

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Абидов Нодир
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА АГРОСЕРВИС САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

5A340102 «Тармоқлар иқтисодиёти» (хизмат соҳаси бўйича)

Магистрлик академик даражасини олиш учун ёзилган

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди ва

ҳимояга қўйилди.

«Иқтисодиёт» кафедраси

муздари, проф. Б.А.Абдукаримов

_____ «__» _____ 2011 й.

Илмий раҳбар:

и.ф.д., проф. Ғ.Ҳ.Қудратов

САМАРҚАНД – 2012

Мавзу: Самарқанд вилоятида агросервис самарадорлигини ошириш йўллари

Кириш

1-боб. Агросервиснинг моҳияти ва унинг аграр соҳада тутган ўрни.

1.1 Қишлоқ хўжалигида агросервиснинг моҳияти ва аҳамияти.....

1.2 Агросервиснинг самарадорлигини оширишда жаҳон тажрибасидан фойдаланиш.....

1.3 Жаҳон молиявий – иқтисодий инқироzi шароитида агросервиснинг самарадорлигини ошириш чора – тадбирлари.

2-боб.Самарқанд вилояти Агросаноат мажмуасида агросервиснинг ҳозирги ҳолати.

2.1 Самарқанд вилояти Агросаноат мажмуасининг иқтисодий тавсифи.....

2.2 Самарқанд вилоятида агросервис хизматлари шакллантирилишининг умумий ҳолати таҳлили.....

2.3 Вилоятда агросервис самарадорлигига таъсир этувчи омиллар таҳлили.....

2.4 Агросервис субъектларида меҳнат ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари.

3-боб.Самарқанд вилояти Агросаноат мажмуасида агросервис самарадорлигини ошириш йўналишлари.

3.1 Вилоятда агросервис самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари.....

3.2 Агросаноат мажмуасида агросервис самарадорлигини оширувчи иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш....

Хулоса.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланган давлатлар қаторидан жой олишга ҳамда иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашда агросаноат мажмуаси тармоқларини алоҳида ўрни мавжуд. Ана шундай муҳим тармоқларни янада ривожлантириш ва тармоқларда иқтисодий ислохатларни амалга ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Шу сабабли қишлоқда сервис хизматини ривожлантириш ва такомиллаштириш ниҳоятда зарур вазифалардандир.

Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, “...хизмат кўрсатиш ва сервисга бўлган талабнинг изчил ўсиб бориши билан бу соҳа нафақат аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, энг зарур замонавий хизматлар кўрсатиш, балки одамларнинг биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисининг бандлик муаммолари ҳал қилишда муҳим рол ўйнаши керак” .

Айниқса, бу борада аграр соҳада сервис хизматини ривожлантиришда ҳукуматимиз томонидан чиқарилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, аграр соҳасидаги иқтисодий ислохатларни ривожлантириш талабидан келиб чиққан ҳолда 2006 йил 9 январда «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2006 йил 23 мартда «Шахсий ёрдамчи, деҳқон хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ва фармонларини таъкидлаш мумкин. Бу ҳуқуқуий меъёрий ҳужжатларнинг ҳаётга тадбиқи аграр соҳада аҳолини иш билан таъминлашга, қишлоқда тадбиркорликни ривожлантиришга ва хўжалик юритувчи субъектлар сонини кўпайтиришга, аграр соҳада эркин иқтисодиётни шакллантиришга жуда катта ёрдам бермоқда.

Шунингдек Республикамиз Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2006 йил

17 апрел) қарори қишлоқда хизмат кўрсатиш тизимини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу қарор қишлоқда бозор инфраструктурасини кучайтиришга ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга жуда катта имкон яратади.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш вазифаларидан келиб чиқиб аграр соҳада сервис хизматини ривож топишга имкон яратилди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда, агросервиснинг иқтисодий мазмуни ва меъёрий-ҳуқуқий асослари ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қатор меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган. Шунингдек, агросервис хизматларининг мазмун-моҳияти, унинг иқтисодий асосларини ёритишга, ташқи савдонинг ҳолати ва самарадорлиги таҳлилининг такомиллашувига МДХ ва хорижлик олимлардан Володин А.А. Самсонов Н.Ф, Гаврилов Р.В. .Raymond F. Hopkins, Donald J. Puchala ва бошқа олимлар катта ҳисса қўшганлар. Мустақиллик йиллари давомида мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам шу соҳада кўплаб изланишлар олиб борилди ва уларнинг натижалари чоп қилинди. Бу борада, А.Абдуғаниев, А.А.Абдуғаниев, Пардаев М.Қ, Қудратов Ғ.Ҳ, Мирзаев Қ ва бошқа олимларнинг изланишлари, айниқса диққатга сазовордир.

Иқтисодий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, чоп қилинган илмий ишларда, асосий эътибор агросервисни хизматларини кўрсатишнинг иқтисодий асослари, агросервиснинг ҳолатини таҳлил қилиш йўлларига қаратилган бўлиб, жаҳон-молиявий инқирози шароитида агросервис хизматларини кўрсатишни хусусиятлари, агросервис самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни таҳлил қилиш, маълум агросервис хизматларини самарадорлигини ошириш масалаларига ҳам етарли даражада эътибор берилган деб ўйлаймиз. Ушбу масалаларни янада такомиллаштириш учун магистрлик диссертациясига ушбу мавзу танланди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

«Иқтисодиёт» кафедраси илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш шароитида Самарқанд вилоятида агросервис самарадорлигини ошириш имкониятларини тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш учун унинг олдида қуйидаги вазифалар қўйилди:

- иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида агросервиснинг моҳиятини тадқиқ қилиш ва унинг аҳамиятини баҳолаш;
- агросервис хизматларини кўрсатишни иқтисодий, меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий асосларини тадқиқ қилиш;
- глобал инқироз шароитида агросервис хизматларини кўрсатишни хусусиятларини очиқ бериш;
- Самарқанд вилояти агросервис хизматлари ҳолатига баҳо бериш;
- Самарқанд вилоятида агросервис имкониятларидан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигини тадқиқ этиш;
- Агросаноат мажмуасида агросервис самарадорлигини оширувчи иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- Вилоятда агросервис самарадорлигини ошириш йўлларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти бўлиб Самарқанд вилоятидаги мавжуд агросервис субъектлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети — иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш босқичидаги агросервис имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида таққослаш, гуруҳлаш, занжирли алмаштириш, нисбий ва ўртача миқдорлар, мутлоқ фарқлаш, балансли боғланиш ва бошқа иқтисодий математик ҳамда статистик усуллардан фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясининг назарий ва услубий негизини Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, президент фармони ва қарорлари, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари, президент асарлари ҳамда махсус иқтисодий адабиётлар ташкил қилади.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг илмий янгиликлари:

- иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида агросервиснинг моҳиятини тадқиқ қилиш ва унинг аҳамияти очиб берилди;
- агросервис хизматларини кўрсатишнинг иқтисодий, меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий асослари тадқиқ қилинди;
- глобал инқироз шароитида агросервис хизматларининг хусусиятлари очиб берилди;
- Самарқанд вилояти агросервис хизматлари ҳолатига баҳо берилди;
- Самарқанд вилоятида агросервис имкониятларидан фойдаланиш даражаси ва самарадорлиги тадқиқ этилди;
- Агросаноат мажмуасида агросервис самарадорлигини оширувчи иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;
- Вилоятда агросервис самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Диссертацияда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан муайян ҳудуд агросервис хизматлари ҳолати ва самарадорлигини таҳлил қилишда, агросервис имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-боб. Агросервиснинг моҳияти ва унинг аграр соҳада тутган ўрни.

1.1 Қишлоқ хўжалигида агросервиснинг моҳияти ва аҳамияти.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг қулай ҳудудида жойлашган. Унинг ҳудудида азалдан инсоният учун ниҳоятда керакли ҳисобланган турли хилдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Чунки бу ҳудудда табиий-иқлим шароитлар етарлидир. Жумладан, Республикада йиллик самарали температура 25-35° ни ташкил этиб, қуёшли соат 3000дан ортиқ бўлиб, бир йилда бирнеча марта ҳосил олиш имконини беради. Ўзбекистоннинг жами ер майдони 44.4 млн. гектар бўлиб, шундан 50,8 фоизини турли хилдаги қишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлари ҳамда деқон хўжаликлари фойдаланадилар: уларнинг йиғиндиси мамлакат қишлоқ хўжалигини ташкил этади. Унинг асосий мақсади тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан мамлакат аҳолисининг истеъмол товарларига бўлган талабини қондиришдир. Бунинг учун:

- аҳоли бирданига истеъмол қиладиган сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини барча талабларни қондирадиган даражада ишлаб чиқариш;

- қайта ишлаш саноати корхоналарининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини қондириши лозим.

Ҳозирги даврда, бу тармоқда аҳоли истеъмол қиладиган товарларнинг 85 фоизидан кўпроғи ишлаб чиқарилмоқда. Улар ўсимликчилик ҳамда чорвачилик маҳсулотларидан иборатдир.

Лекин Республиканинг қишлоқларида жами аҳолининг учдан икки қисми яшайди. Ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар 25 млн. гектарга яқин қишлоқ хўжалик ерларидан олинган, шундан 369,1 минг гектари экинзор.

Мамлакат деҳқончилиги суғоришга асосланганлиги учун катта миқдордаги сув ресурсларини талаб этади. Лекин бу талаб ички сув ресурслари билан атиги 60 фоизгагина қондирилмоқда. Бундай ҳол Амударё ҳамда Сирдарё хавзаларидан катта миқдордаги сув ресурсларини жалб

етишни талаб этади. Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигида 42-46 млрд м³ сув ресурсларидан фойдаланилмоқда. Табиатда ер ва сув ресурслари чекланган, улар такрор ишлаб чиқарилмайдиган ресурслар ҳисобланади. Шунинг учун уларнинг ҳар бир гектаридан (м³дан) тадбиркорлик билан фан-техника ютуқларини жорий этиб, йил давомида тўлиқ ва самарали фойдаланиш лозим.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган кўплаб қишлоқ хўжалик техникалари, кимёвий воситалар, ёқилғи, ёнилғи, ёғловчи материаллар ва бошқа воситалардан фойдаланилмоқда. Масалан, тармоқда 2009 йилда 78,9 мингга яқин турли хилдаги тракторлар, 22,7 мингтадан кўпроқ юк ташиш машиналари, 4,4 мингтага яқин ғалла йиғиштирадиган, бир мингтага яқин пахта терадиган камбайинлар, кўплаб бошқа техникалардан фойдаланилган. Тармоқ миқёсида ерларнинг унумдорлигини, экинларнинг эса ҳосилдорлигини ошириш мақсадида 332,7 минг тонна минерал ўғитлардан фойдаланилган. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқиляётган маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқарилиши натижасида Ўзбекистоннинг маъқие ошиб бормоқда. Ҳозирги даврда А ва Е типдаги пахта толасини ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда Хитой, АҚШ, Ҳиндистон ва Покистон давлатларидан сўнг бешинчи ўринни, уларни экспорт қилиш бўйича эса 2-ўринни эгаллаб келмоқда. Шунинг билан биргаликда Ўзбекистон жаҳон бозорига ниҳоятда сифатли бўлган қорақўл терисини, пилла, сабзавот, полиз ва боғдорчилик маҳсулотларини олиб чиқиб сотмоқда. Республиканинг бу борадаги салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Уни ижобий ҳал этиш учун тармоқда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб, жаҳон бозорига тайёр маҳсулотларни чиқариш лозим. Бу борада сўнги йилларда чет эл инвестицияларини жалб этиб катта ишлар амалга оширилмоқда. Уларни келажакда жадал суръатлар билан ривожлантириш сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги даврда мамлакат аҳолисининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш даражаси йил

сайин ортиб бормоқда. 2009 йилда республика аҳолисининг жон бошига 160 кг.га яқин ун маҳсулотлари, 135 кг. пахта хом ашёси, 127 кг сабзавот маҳсулотлари, 34 кг.дан кўпроқ картошка, 38 кг. гўшт, 164кг. сут ҳамда 72 донага яқин тухум ишлаб чиқарилган. Демак, мамлакатда аҳолининг унга бўлган талаби қондирилган. Келажакда унинг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Лекин бошқа маҳсулот бўйича халқимизнинг медицина меъёрлари бўйича талаби тўлиқ қондирилганича йўқ. Бундай ҳол Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини янада жадал суръатлар билан ривожлантирилишини тақозо этади. Сўнги ўн йилларда бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, мамлакат қишлоқ хўжалигида эркин бозор иқтисоди талабларига мос иқтисодий муносабатларни шакллантириш имкониятини берадиган, ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ислохотлар босқичма-босқич қатъий ишонч билан амалга оширилишини таъминлаб берадиган тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчиллик билан ҳаётга жорий этилмоқда. Масалан, ер фуқароларга умурбод мерос қолдириш ҳуқуқи билан бепул берилмоқда, фермер хўжаликларига эса 30 йилдан 50 йилгача бўлган муддатга фойдаланиш учун ижарага берилмоқда. Қишлоқда мулк ислоҳоти натижасида мулкдорлар синфи барқарор равишда шаклланиб, ривожланмоқда.

Ўзбекистон Респуббликаси Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжайиқлариин ривожлантириш концепцияси тўғрисида» ги Фармойишини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқиришга жорий этиш натижасида фермер хўжалиқлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида жойларда инфратузилма объектлари, жумладан 2012 йилнинг 1-ярим йилига қадар 228та банк муассасалари, ёқилғи-мойлаш материаллари билин таъминлаш бўйича 236 та пункт, минерал ўғитлар билан таъминлаш бўйича 205 та пункт, 267 та муқобил машина-трактор парк, 222 та сувдан фойдаланувчиларс уюшмаси ташкил этилди. Уларнинг ташкил этилиши билан агросаноат мажмуасининг учинчи бўғини - қишлоқ хўжалиги тармоқларига хизмат кўрсатувчи тармоқлар тизимининг таркиби янада

ривожлантирилиши таъминланади. Улар қишлоқ хўжалиги тармоғидаги корхоналарга, фуқароларга банк хизматларини кўрсатишда, хўжаликларни минерал ўғитлар, ёқилғи ва мойлаш материаллари билан таъминлашда, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида бажариладиган экин майдонларини ҳайдаш, уларга ишлов бериш ҳамда етиштирилган ҳосилни териб олиш билан боғлиқ бўлган ишларни сифатли бажаришда ўз хизматларини кўрсатмоқдалар. Шунинг натижасида айниқса, фермер ва декон хўжаликларининг раҳбарларини вақтларини тежаш имкониятини яратиб бермоқдалар. Бу тадбирлар келажакда ҳам янада ривожлантирилиши лозим. Чунки ҳозирги даврдаги фаолият кўрсатаётган инфратузилма бўғинларида хўжалик субъектлари талабни тўлиқ қондираётгани йўқ. Муқобил машина-трактор паркларини ташкил этишда мол-мулкни тақсимлаш, муқобил МТП га кириш бадалларини аниқлашда фермер хўжалигини балл – гектарларига муносиб равишда ҳисоблаш таклиф этилган. Бу тартиб бизнинг талабга тўлиқ жавоб бермайди. Чунки бунда экин турларининг майдонлари эътиборга олинмаган. Буни қуйидаги мисол билан исботлаш мумкин. Иккита ҳар бир 200 гектар ерга эга бўлган фермерлар мавжуд. Уларнинг ерларини бонитет балли ҳам бир хил яъни 60 балл. Шунда уларнинг балл гектари бир хилда 12000 балл гектарга тенг бўлади. Лекин биринчи фермерда 50 га майдонга буғдой, 150 га майдонга эса пахта экади. Иккинчисида эса аксинча. Шунда биринчи фермер муқобил машина – трактор паркига, иккинчи фермер нисбатан кўпроқ мурожаат этади. Чунки унда пахта майдони кўпроқ бўлаганлиги учун техникалар ёрдамида бажариладиган ишларнинг ҳажми кўп. Шунинг учун юқоридаги масалани ҳал этишда экин турларининг майдонини ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Республикаимиз эркин бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиши таъминланаётган йилларда мамлакат аҳолисининг ўртача сони бир йилда 310-320 минг нафарга ёки 1,3 фоизга ўсмоқда. Шу билан бирга саноат корхоналари сони ва ишлаб чиқариш қувватлари ҳам йил сайин ошиб бормоқда. Бу ҳолат республикада хомашё, озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ

истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ривожлантирилишини тақозо этмоқда. Бу муаммоларни ечиш учун энг аввало қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва у билан узвий боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш ҳамда қайта ишлаш тармоқларининг мутаносиб равишда ривожланишини таъминлашга эришиш, сўнгра тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва уларни истеъмолчиларга етказувчи тармоқларнинг ташкилий, техникавий, технологик, иқтисодий ва ижтимоий боғланишини таъминлаш лозим.

Кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалигини барқарор равишда ривожлантириш, самарадорлигини юксалтириш учун уни янги қишлоқ хўжалик машиналари, техникалари, транспорт ва кимёвий воситалар, минерал ўғитлар, ёқилғи ҳамда ёғловчи материаллар, қурилиш материаллари, озуқа моддалари билан тўлиқ ва мутаносиб равишда таъминлаб, мустаҳкам моддий-техника базасини барпо этиш керак. Демак, қишлоқ хўжалигининг келажакдаги ривожи даставвал унинг учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари фаолиятига бевосита, шунингдек, аграр соанинг равнақи унга хизмат кўрсатувчи, яъни қишлоқ хўжалиги корхоаналарини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи, тармоқдаги машина-трактор ва бошқа техникаларни таъмирловчи, хўжалик объектларини қурувчи, ирригация-мелиорация ва кимёвий, транспорт хизматларини бажарувчи тармоқлар фаолиятига ҳам боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлиги эса тармоқда етиштирилган хомашёлардан аҳолининг барча талабларини тўлиқ ва сифатли қондира оладиган озиқ-овқат, газлама, кийим-бош, оёқ кийим ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларининг серқиррали фаолиятига ҳам боғлиқ.

Юқоридагилардан маълум бўлишича, республика фуқароларининг тайёр озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабининг тўлиқ қондирилиши бу муаммо ҳал этилишини таъминлашда қатнашувчи барча тармоқларга турли хилдаги ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқардагилар саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, унга хизмат кўрсатувчи,

кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб, тайёр маҳсулот даражасига етказувчи ва уларни истеъмолчиларга етказиб берувчи барча тармоқларнинг техникавий, технологик, иқтисодий ҳамда ижтимоий боғланишини объектив ҳолда тақозо этади. Шунинг учун улар мақсадга мувофиқ равишда жойлаштирилиб, ихтисослаштирилиб, халқ хўжалиги миқёсида меҳнат тақсимоти амалга оширилишини таъминлашлари зарур. Юқорида таъкидланган тармоқлар ягона мақсад йўлида ўзаро боғланиши натижасида республика агросаноат мажмуаси шаклланади. Мамлакат агросаноат мажмуасининг асосий мақсади – аҳолини сифатли озиқ-овқат ва халқ истеъмоли товарлари билан талаб даражасида таъминлашдир. Бу муаммо улкан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, унинг талаб даражасида ҳал этилиши аҳоли турмуш даражасини юксалтиради, фаровон яшашини таъминлайди. Шунинг учун ҳам бу масалага Республика ҳукумати томонидан алоҳида эътибор берилмоқда, яъни агросаноат мажмуасига кирувчи барча тармоқларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган чоратadbирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Республика агросаноат мажмуасида мақсадга эришиш қуйидаги асосий вазифалар ечилишини тақозо этади:

- агросаноат мажмуаси таркибидаги барча тармоқлар мақсадга мувофиқ ҳолда ташкилий, технологик, техникавий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ўзаро узвий боғланишини таъминлаш;
- мажмуа таркибидаги корхоналарни барча омилларни эътиборга олган ҳолда мақсадга мувофиқ оқилона жойлаштириш;
- уларнинг ихтисослаштирилиши ва интеграциялашувини таъминлаш;
- самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида барча корхоналарни замонавий техникалар билан жиҳозлаш, уларда илғор технологияларни жорий этиш;
- агросаноат мажмуаси таркибидаги корхоналар ихтиёридаги барча ресурслардан (табiiй, капитал, меҳнат) тадбиркорлик билан оқилона фойдаланиб, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш,

механизациялаш, электрлаштириш ва кимёлаштириш орқали доимий ва ўзгарувчан харажатларни камайтириб, экологик талабларга жавоб берадиган маҳсулотларни зарур миқдорда ишлаб чиқариш, уларни истеъмолчиларга етказиб бериб, кўпроқ фойда олишни таъминлаш;

- агросаноат мажмуаси таркибидаги корхоналар ўртасида улар маҳсулотларини ўзаро самарали айрибошлаши таъминладиган нархларнинг мақсадга мувофиқ миқдорини маълум муддатларга белгилаш;

- мажмуада фаолият кўрсатаётган раҳбар, ишчи ва хизматчиларнинг малакаларини ошириш, улар меҳнатларининг миқдorigа, пировард натижасига кўра рағбатлантирилишини ривожлантириш ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалигида ташкилий ва бошқарув жараёнлари Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Маълумки, Республикамизда қишлоқ хўжалигининг асосий мақсади ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Макамасидаги йиғилишда Президентимиз И.А.Каримовнинг “2007 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг ўта муҳим вазифалари”га бағишланган “Инсон манфаатлари устиворлигини таъминлаш барча ислохот ва ўзгаришларимиз бош мақсадидир” номли маърузасида айтганидек “бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш масаласи суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш бўйича ўта муҳим вазифани ҳал этиш билан бевосита боғлиқдир” деган сўзлари аграр соҳани бундан кейинги ривожини белгилаб берадиган устувор вазифа ҳисобланади. Шундай экан, қишлоқ хўжалиги ерлари самарадорлигини оширишнинг ер унумдорлигини яхшилаш муҳим асоси бўлиб агросервис хизматини йўлга қўйиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўз маърузасида қишлоқ хўжалигидаги бугунги кундаги ечимини кутаётган энг муҳим муаммо сифатида қуйидагиларга алоҳида эътиборни қаратиш зарурлигини

белгилаб берди. Жумладан, “ҳозирги вақтда суғориладиган ерларнинг қарийб 8 фоизнинг ҳолати ёмон бўлиб, бу аввало тупроқнинг шўрланиш даражасининг юқорилиги ва ер ости сувларининг кўтарилиши билан боғлиқ. Салкам 330 минг га ернинг ҳолати қониқарсизлиги туфайли қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлиб қолмоқда. Ерлар сифатини баҳолашнинг умумий кўрсаткичи бўлган ер бонитети сўнгги йилларда 55 баллгача пасайиб қолди”.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган умумий ер майдони 17,8 млн. гектарни ташкил қилиб, шундан 25 фоизи ҳайдаланадиган ерларга тўғри келади. Охирги 15 йил ичида қишлоқ хўжалик майдонларининг ҳажми асосан яйлов ва утлоқлар, боғ ва узумзорлар ҳисобига 5 фоиздан кўпроққа, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда - 22 фоизга, қисқарди. Суғориладиган ерларнинг ҳар бир гектарига мамлакат аҳолисининг 8 кишиси тўғри келади. Аҳолининг ўсиш суръати суғориладиган ер майдонларининг ўсиш суръатидан анча юқори бўлиб, охирги 25 йил ичида мамлакат аҳолисининг ҳар бир кишисига тўғри келадиган ҳайдаланадиган ерларнинг 0,22 гектардан 0,13 гектаргача қисқаришига олиб келди. Осиё тараққиёт банкининг баҳоларига кўра мавжуд тенденциялар сақланиб қоладиган бўлса, кейинги 30 йил ичида суғориладиган ер майдонлари яна 20-25 фоизга қисқаради.

Шамол ва сув эрозиясидан 3млн. гектардан ортиқ ерлар азият чеқмоқда. Ушбу сабабга кўра, мавсум давомида ҳосилдор катламдаги ўртача юқотишлар ҳар гектарга 80 тоннага етади. Чорва молларини боқиш ва техноген бузилишлар туфайли зарар кўраётган утлоқ ва яйловлар майдони 7,4 млн. гектарни ташкил этгани ҳолда 5млн гектардан ортиқ яйловлар чўлга айланиб бормоқда. Сув ва шамол эрозияси муаммолари, ўрмонлар майдонини 2000 йилда 8,5 млн гектардан 2012 йилда 8,0 млн гектаргача қисқариши сабабли янада кескинлашмоқда. Тупроқларнинг қарийб 54 фоизи пецитсидлар билан ифлосланган, 80 фоиздан ортигининг таркибидаги зарарли моддалар миқдори юқори.

Шундай экан, Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашда агросервис хизматини йўлга қўйиш муҳим устувор вазифа сифатида намоён бўлади.

Қишлоқ хўжалигида агросервис хизматларининг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- транспорт тизими ва йўллар;
- банк ва молия бозорининг тегишли қисми;
- қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш;
- қишлоқ жойларда электр энергиясини узатиш линиялари;
- илмий – ишлаб чиқариш лабораториялари;
- зооветеренария хизматлари;
- ирригация ва мелиорация хизматлари;
- ёқилғи ва мойлаш материаллари таъминоти ташкилотлари;
- минерал ўғитлар, кимё ва қишлоқ хўжалигини зарур кимёвий воситалар билан таъминлаш тизимлари;
- биологик хизмат кўрсатиш тизимлари корхоналари;
- консалтинг хизматлари ;
- МТП хизматлари ва бошқалар.
- Омбор ва совуқхоналар;
- Коммуникация, почта ва телеграф алоқаси тизими;
- ҳисоблаш марказлари;
- Моддий техника таъминот;
- Ўсимликларни ҳимоя қилиш..

1.2 Агросервиснинг самарадорлигини оширишда жаҳон тажрибасидан фойдаланиш.

Қишлоқ хўжалиги моддий ишлаб чиқаришнинг асосий ва энг қадимги тармоқларидан бири бўлиб, аҳолига озиқ-овқат маҳсулотларининг аксарият қисмини ва саноат учун хом ашёнинг кўпгина қисмини етказиб беради. Қишлоқ хўжалиги асосан иккита йирик тармоқдан - деҳқончилик ва чорвачиликдан иборат; бу икки соҳа вакиллари деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етказиб беради. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги ўсимлик ва чорвачилик маҳсулотларини дастлабки қайта ишлайдиган бир қанча тармоқларни ҳам ўз ичига олади. Иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолининг тахминан ярми, камроқ тараққий этган мамлакатларда эса кўпинча 80-90 фоиздан ортиғи қишлоқ хўжалигида банд. Ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич ўртача 60 фоиздан ортади, ривожланган мамлакатларда 10 фоизни ташкил этади. Қишлоқ аҳолисининг ижтимоий муаммолари, унинг жойлашиши қишлоқ хўжалиги билан чамбарчас боғлиқдир. Бир қанча мамлакатларда ўрмон хўжалиги ҳам қишлоқ хўжалиги тармоқларига киради.

Қишлоқ хўжалиги аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш билан бирга қатор саноат тармоқлари (озиқ-овқат, омухта ем, тўқимачилик, дори-дармон, атир-упа саноати ва бошқалар)ни хом ашё, от-улов (йилқичилик, буғучилик ва ҳоказо) билан таъминлайди, деҳқончилик тармоқлари (сабзавотчилик, мевачилик, узумчилик ва бошқалар) ҳамда чорвачилик тармоқлари (қорамолчилик, чўчқачилик, қўйчилик, паррандачилик кабилар) ни ўз ичига олади. Бу тармоқларни биргаликда ривожлантириш моддий ва меҳнат ресурсларидан тўғри фойдаланиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши кўлами кенгайиб, маҳсулот етиштириш хажми ўсиб бораётганлигига қарамай, дунё аҳолисининг муайян қисми тўйиб овқат емайди, ўн ва ҳатто юз миллионлаб нафарлар кўпинча оч қолади. Ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг анчагина қисми,

ривожланган мамлакатлар аҳолисининг моддий жиҳатдан яхши таъминланмаган гуруҳлари ана шулар жумласидандир.

2012 йилга келиб жаҳон аҳолиси 6 млрд. нафардан ошиб кетди. Бу кўрсаткич йил сайин ортиб бориши кутилмоқда. Уларни озиқ-овқат билан тўлиқ таъминлаш учун ҳар йили озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини 3-4 фоиз ошириб бориш керак. Ҳар бир мамлакатда, қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ўзига хос ички хусусиятлар эътиборга олинишини талаб қилади. Бу эса табиий, ижтимоий, иқтисодий ихтисослашувни тақозо этади.

Ҳар бир мамлакатнинг халқаро алоқалари (савдо, иқтисодий алоқалар, меҳнат ресурслари миграцияси) шу мамлакат қишлоқ хўжалиги ривожланишининг ташқи томонларини ифодалайди.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги экстенсив ва интенсив асосда ривожланиш мумкин. Фан-йутуклари, техника тараққиёти, химиялаш интенсив ривожланишининг асосини ташкил этиши зарур.

Шу сабабли ривожланган мамлакатларда интенсив ривожланиш устуворлик қилади. Кам ерли мамлакатлар хусусан, Япония ва Ғарбий Европадаги кичик мамлакатларда гектарига 300-400 кг ўғит солинади.

Табиий шарт-шароит деганда қишлоқ хўжалигининг ривожланишига бевосита таъсир этувчи омиллар- ер ресурслари, ўсимликларнинг ўсиб-униши, иссиқлик даражаси, намлик даражаси, ёруғлик даражаси тушунилади.

Ер-қишлоқ хўжалигида асосий воситадир. Ер юзида қишлоқ хўжалиги учун яроқли ер ҳажми – 4,5 млрд гектар бўлиб, унинг ҳаммасидан тўлиқ фойдаланилмайди.

Қишлоқ хўжалиги қадим замонлардан ривожлана борган. Маданий ўсимликлар вужудга келган ўчоқларда, Латин Америкаси ва Африканинг тоғли районларида, Осиёнинг дарё ҳавзаларида деҳқончиликнинг вужудга келганига кўп минг йиллар бўлган. Ғарбий ярим шарда, Австралияда ва бошқа бир қанча ҳудудларда янги қишлоқ хўжалик районлари пайдо бўлган.

Бу ўлкалардаги катта майдонларда ерларнинг ўзлаштирилиши капитализмнинг тараққиёти билан боғлиқдир.

Ривожланган мамлакатларнинг аграр муносабатлари майда соҳибкорларнинг қашшоқликда ҳаёт кечиришида ва оммавий равишда хонавайрон бўлишида, йирик қишлоқ хўжалик корхоналари иқтисодий кудратининг ўсишида, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига молия ва савдо-саноат монополияларининг кириб боришида ўз аксини топди. Ерга бўлган йирик мулкчилик ундан бевосита ишлаб чиқарувчиларни ажратиб олиш йўли билан ёлланма ишчилар синфининг пайдо бўлишига имкон яратади.

Фабрика-фермалар, агрокомплекслар ва йирик оилавий фермалар ривожланган мамлакатларда товар маҳсулот етказиб берадиган асосий хўжаликлар бўлиб қолди. Фабрика-фермалар индустриал турдаги йирик ихтисослашган йирик қишлоқ хўжалик корхоналари бўлиб, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда технологик даврнинг айрим жараён (молларни ва паррандаларни семиртириб боқиш, сўйиш ва ҳоказо) бажаради. Агрокомплекслар ҳам индустриал турдаги йирик қишлоқ хўжалик корхоналари сирасига киради, ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини қамраб олади. Бу даврдаги айрим жараёнлар хўжаликнинг тегишли тармоқларида бажарилади.

Ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ривожланган мамлакатлардагига нисбатан анча катта роль ўйнайди. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг салмоғи ривожланаётган мамлакатларда ўртача 22 фоизни, ривожланган мамлакатларда 4 фоизни ташкил этади. Ривожланаётган мамлакатларда ривожланган мамлакатларда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ярмидан кўпроғи етиштирилмоқда. Лекин қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш воситалари ва энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқлари асосан ривожланган мамлакатларда тўпланган. Ривожланаётган мамлакатлар эса аграр хом ашё учун қўшимча ҳудуд бўлиб қолмоқда. Айнан шу мамлакатлар аграр иқтисодиётида ишга лаёқатли аҳолининг ярмига яқини банддир. Озиқ-

овқат муаммосини ҳал этиш ривожланаётган мамлакатлар учун жуда қийин ва оғир вазифа бўлиб қолмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларда аграр масаланинг ҳал қилиниши қишлоқларда ишлаб чиқариш муносабатларининг барча эскирган шакллари тугатишга имкон беради. Ер муносабатларига жиддий ўзгаришлар киритувчи аграр туб ислохотлар Осиё ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатлар олдида турган энг асосий вазифадир. 2012 йилги маълумотларга кўра жаҳонда 6 млрд.300 млн.дан ортиқ аҳоли яшайди. Бу борадаги кўрсаткич 1960 йилда 3 млрд. эди. Демак 2012 йилга келиб аҳоли сони 2 маротаба ўсган. Шу банд аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Дунё аҳолисининг 60 – 70 фоизи, ўртача режимда овқатланади. Жаҳон мамлакатларида аҳоли жон бошига, озиқ-овқат ишлаб чиқариш кўрсаткич индексининг ўсиш суръатлари жуда секин белгиланмоқда.

Жаҳон мамлакатлари қишлоқ хўжалиги ўзига хос ички ва ташқи шароит таъсирида кечади. Ички шароитга: мамлакат доирасида, табиий, иқтисодий, ижтимоий шароитларни, агротехника ва ихтисослашувни ўз ичига олади. Ташқи шароитга халқаро муносабатлар, савдо, қўшма корхоналар, иқтисодий муносабатлар, ишчи кучларини миграциясини ўз ичига олади.

Мамлакатларда интенсивлаштириш ҳисобига майда фермерлар синиб, йирик хўжаликлар тикланмоқда. АҚШда охириги 20 йил мобайнида 2,8 млн майда фермерлар синган. Охириги вақтда АҚШда кўпроқ вертикал интеграция жорий этилмоқда. Бунда ишлаб чиқаришнинг ҳамма босқичи (махсулотларни етиштириш ва сотиш) шартнома асосида йирик монополия назоратида бўлиб, майда ва ўрта фермерлар эса ёлланма ишчиларга айланиб қоладилар. АҚШда йирик фермерлар 9 фоиз бўлиб, улар федерал бюджетдан қолган 91 фоиз фермер оладиган миқдорда маблағ оладилар. Катта – катта ер майдонларнинг мавжудлиги (жаҳон қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган барча ерларнинг 30 фоизи ривожланган мамлакатлардадир). Ривожланган мамлакатларида, қишлоқ хўжалигини индустриал қайта қуриш охириги 30-40

йиллар мобайнида ривожланди. Машиналар тизимининг ривожланиш суръати сустиги туфайли қишлоқ хўжалиги саноат тармоғига нисбатан 100 йилларча орқада қолди. Бундай шароитда қишлоқ хўжалигида асосан майда хўжаликлар фаолият кўрсатади. Жамғармалар етишмаслиги сабабли улар машина тизимини жорий этиш имконидан маҳрум эдилар.

Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар жаҳон хўжалигида ҳукмрон мавқиени эгалламоқдалар. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ривожланган мамлакатлар қишлоқларида ўзаро муносабатлар тараққиёт жараёни кескин равишда тезлашди ва давлат монополистик капитали қишлоқ хўжалигига кириб борди. АҚШда бу жараён комплекс механизация, ишлаб чиқаришни электрлаштириш ва автоматлаштиришни жорий этиш негизида қишлоқ хўжалигининг техника базасини тубдан қайта қуриш ва қишлоқ хўжалик корхоналарини индустриал типдаги корхоналарга айлантириш билан бир вақтда рўй бермоқда. Ғарбий Европа мамлакатлари, Скандинавия қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш соҳасида АҚШ босиб ўтган йўлини такрорламоқдалар. Бу мамлакатларда кейинги йилларда янги техникани жорий этиш базасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини концентрация этиш жараёни кучаймоқда. Натижада юз мингларча майда деҳқон хўжаликлари ва фермерлар хонавайрон бўлмоқдалар. Ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг интенсивлиги механизация ва товар бериш, ихтисослашиш юксак даражадалиги билан фарқланади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг бу ҳудудларда саноат тез суръат билан ривожланди. Меҳнат қуроллари, саноат молларни қишлоқ хўжалигига сотиб, соҳалар интенсивлигини таъминлаш йўлга қўйилди. Қишлоқ хўжалигининг машина тизимига ўтиши 10–15 йил керак бўлди. 60–йиллардан ҳозирга қадар, қишлоқ хўжалигини тракторлар билан таъминлаш Нидерландияда 7 маротаба, Германия, Дания, Белгияда 10 маротаба, Италияда 17 маротаба ошди. Бу мамлакатларда шунингдек, минерал ўғитлар билан таъминлаш ва уларни ишлатиш ҳам шу даврда 5-10 маротаба кўпайди.

АҚШ деҳқончилигида томчилаб суғориш тизими жами суғориладиган майдоннинг 15 фоиз қисмида жорий этилган. Суғориладиган ерларда етиштирилаётган маҳсулот мамлакатда етиштирилаётган маҳсулотнинг учдан бир қисмини ташкил этади ёки унинг қиймати 40 млрд долларга тенг. Суғориш ишларида механизациядан кенг фойдаланилади. Масалан, ўртача фермерни 65 гектар ерини суғориш 1 гектарга 1,54 нафар/соати сарфланаётган капитал сарфлари эса 1 гектарга 350 доллар ташкил этган. АҚШ ҳар йили қиймати 140-150 млрд доллар бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилади, ундан 45 млн тоннаси маккажўхори дони, 38 млн тоннаси буғдой, 20 млн тоннаси ловияни ташкил қилади.

АҚШда озиқ-овқат мажмуи юқори даражада ривожланган маркетингга эга.

Маркетинг тизими қуйидаги сарфлардан иборат: ҳақ тўлаш, урамлаш (қадоқлаш), маҳсулотни тайёрлаш ва транспорт харажатлари, ёнилғи ва электрэнергия сарфи, амортизация ажратмалари, реклама учун кетган харажатлар, асосий фондларни сотиб олиш ва уларни таъмирлаш харажатлари.

АҚШ озиқ-овқат мажмуида мамлакатдаги меҳнат ресурсларининг 12 фоизи банд, шундан 3 фоизи қишлоқ хўжалигида фаолият юритади. Озиқ-овқат модели 3 соҳадан иборат: 1-соҳа қишлоқ хўжалиги учун меҳнат воситаларини яратувчи, 2-соҳа қишлоқ хўжалиги, 3-соҳа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш.

АҚШ қишлоқ хўжалигида асосан оилавий фермерлар фаолият юритади. Улар қишлоқ хўжалик корхоналарининг – 99 фоизини ташкил этадилар ва мамлакатда етиштирилган ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг – 93 фоизини етиштирадилар. Озиқ-овқат маҳсулотининг қолган қисмини акционерлик компаниялари етиштирадилар. Битта оилавий фермер ҳар йили 83 минг долларлик маҳсулотни сотади, 187 гектар ерга эга (ҳар гектар ер қиймати 250 минг доллар) 2 ишчига қиймати 140 минг доллар, бўлган ишлаб чиқариш фондлари тўғри келади.

Паррандачилик, гўшт, сут, буғдой етиштириш каби тармоқлар саноат негизига кўчирилган. Қишлоқ хўжалигининг саноатлаштирилиши, ишлаб чиқариш кучларининг саноат даражасига кўтарилиши шунга олиб келдики, қишлоқ хўжалиги эндиликда ўз мустақиллигини йўқотди ва тармоқлар мажмуининг ажралмас таркибий қисми бўлиб қолди. У агробизнес, агросаноат мажмуи номини олди.

1.2.1-жадвал

Ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалиги (2011йил маълумоти)

N	Мамлакат-лар номи	ЯИМ, млрд \$	ЯИМ ўрни	ЯИМ млн \$	Қ/х қиймати, фоиз ЯИМ	Қ/х қиймати, млн \$	Ҳар бир қ/х ходимига меҳнат унумдорлиги, \$

Манба: Ўзбекистон республикаси статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланилди.

АҚШ ва Япония дунёда энг бой ва бақувват мамлакатлардир. Улар ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати бўйича жаҳонда 1 ва 2 - ўринни эгаллайди. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган ҳар бир ишчининг меҳнат унумдорлиги - АҚШда 39001, Японияда 31094 АҚШ долларига тенг. Италияда бу кўрсаткич 20031 АҚШ долларига тўғри келмоқда.

АҚШда аҳоли сони 2012 йилда 273 млн. нафарни ташкил этди. Шундан 62,8 млн нафари ёки 23 фоизи қишлоқ жойларда яшайди. Японияда эса бу кўрсаткич 127 млн., шундан 26,7 млн. ёки 21 фоизни ташкил этади. АҚШда

жами аҳолининг 4,47 млн. нафари ёки 1,6 фоизи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда банд бўлиб улар 8708,2 млн. ялпи маҳсулоти ишлаб чиқаришни яратадилар. Японияда эса аҳолининг 2,83 млн. нафари қишлоқ хўжалигида банд бўлиб, улар қиймати 4,395 млн. АҚШ доллариға тенг ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш қурбига эга. Аҳолисининг 1,72 млн. нафари қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган Италияда эса қиймати 1,149 млн АҚШ доллариға тенг бўлган ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилади. Хуллас, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича АҚШ-1, Япония-2, Италия-6, Хитой-7, Россия-16, Украина-55, Қозоғистон-68, Ўзбекистон-68, Туркманистон-132, Тожикистон-153, ва Қирғизистон-159 ўринни эгаллайди.

1.3 Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози шароитида агросервиснинг самарадорлигини ошириш чора – тадбирлари.

«Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди»¹.

Шу билан бир қаторда, асосан етакчи ривожланган мамлакатларда кузатилган қуйидаги салбий ҳолатлар ҳам молиявий инқирознинг вужудга келишига асосий сабабларидан ҳисобланади:

- молиявий институтларнинг мажбуриятлари билан устав маблағлари ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилиши;
- қимматли қоғозлар бўйича рейтинг ташкилотлари томонидан сохта хулосалар берилиши;
- молиявий аудит ва профессионал этика тамойилларини бузилиши ва сохта аудит хулосалари тақдим этилиши;
- молиявий рағбатлантириш услуги сифат кўрсаткичларига эмас, балки миқдорий кўрсаткичларга асосланганлиги;
- юқори рискли ва мураккаб ҳосилавий қимматбаҳо қоғозларни вужудга келиши ва ҳоказо.

Маълумки, 2009 йилнинг 5 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда Президентимиз томонидан 2009 йил

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-б.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинди. Президентимиз ўз маърузаларида қишлоқда тараққиёт ва фаровонликни таъминлашнинг қуйидаги асосий йўналишларини белгилаб бердилар:

- қишлоқда турмуш даражасини ошириш;
- қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш;
- қишлоқ жойлардаги инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш;
- қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтариш;
- қишлоқ аҳолиси, энг аввало, ёшларни иш билан таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш;
- қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш;
- қишлоқда пайдо бўлаётган мулкий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари – мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш;
- ер, тупроқ унумдорлигини доимий равишда ошириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш².

Мазкур йўналишлар бўйича чора-тадбирларни изчил ва тизимли амалга ошириш мақсадида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ишлаб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046 сонли Қарори асосида кучга киритилди. Дастурда ўтказиладиган чора-тадбирлар, бажарилиш муддатлари, харажатлар ва уларни молиялаштириш манбалари, чора-тадбирларни амалга ошириш шакллари, механизмлари ва кутиладиган натижалар тўлиқ ўз ифодасини топган. Дастур асосий йўналишлари 9 та бўлим, 105 та банда ўз ифодасини топган (1.3.1-жадвал).

² Президент Ислом Каримовнинг 2008 йил 5 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган йиғилишда сўзлаган маърузаси.

Президентимиз ўз маърузаларида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг принципиал аҳамиятга эга бўлган асосий йўналишларига яна бир бор эътибор қаратиб ўтдилар.

Биринчидан, мазкур дастур ижроси билан боғлиқ қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустакамлаш, янги қонунлар қабул қилиш, тегишли қонун ҳужжатларига, Ер кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур.

Қишлоқда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни тартибга солиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун имтиёз ва рағбатлантириш чораларини кенгайтириш ва бу борада янги имкониятлар яратиб бериш, қишлоқда бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўшимча равишда қўллаб-қувватлаш, унинг ижтимоий-сиёсий мақомини мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш зарур.

Иккинчидан, дастурда белгиланган вазифалар орасида қишлоқларимизда ҳаёт сифатини тубдан юксалтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш принципиал муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бунинг учун қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий жиҳатдан лойиҳалаштириш ва қуриш ишларини ташкил этиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим.

Худудларнинг меъморий-лойиҳавий қурилиши бўйича бош планлари ишлаб чиқилишини таъминлаш, минтақаларнинг иқлими, демографик ҳолати ва бошқа шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ уйлари ва ижтимоий иншоотларнинг унификация қилинган намунавий лойиҳаларини тайёрлаш даркор.

Қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш ҳамда қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар ичида энг аввало қишлоқда яшаётган аҳоли манфаатларини янада тўлароқ таъминлаш мақсадида қонуний-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш муҳим ҳисобланади. Чунки, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг амал қилиш самарадорлиги кўп жиҳатдан уларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини уйғунлаштирувчи яхлит механизмнинг тўғри ишлаб чиқилишига боғлиқ.

Бу борада фермер ва деҳқон хўжаликлари тўғрисида, сув ва сувдан фойдаланиш қонунларига, Ер кодексига ва бошқаларга қўшимча киритиш ва кўриб чиқиш лозим бўлади.

Маълумки, 1998 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги ҳамда «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида»ги қонунлари мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини самарали йўлга қўйиш, унда хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига асосланган шакллари қарор топтириш ва ҳар томонлама ривожлантириш учун ҳуқуқий асос ролини бажарди. Бироқ, мамлакатимиздаги фермер ва деҳқон хўжаликлари ўзининг янада ривожланиши учун янги шарт-шароитларни, имтиёз ва рағбатлантирувчи омилларни белгилаш, иқтисодий дастак ва механизмларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Буларнинг барчаси энг аввало ушбу жараёнларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи қонунларда ўз ифодасини топмоғи лозим.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт табиий ресурслар, энг аввало, уларнинг қайта тикланмайдиган турлари ҳисобланувчи ер ва сув ресурсларидан тежамли ва эҳтиёткорона фойдаланиш масаласини кун тартибига қўймоқда. Маълумотларга кўра, агар мамлакатимизда 1996 йилда 1 кишига тўғри келувчи экин майдони 0,171 гектарни ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб бу кўрсаткич 0,136 гектаргача, яъни 1,3 марта қисқарган. Бу эса Ер кодекси, сув ва сувдан фойдаланиш бўйича қонунларни янада такомиллаштириш заруратини оширмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги аҳамиятидаги ерларнинг ушбу мақсадда фойдаланиш доирасидан чиқиб кетиши жараёнларини

тартибга солишда ер участкаларини қишлоқ хўжалик мақсадларига ажратиб бериш бўйича низомнинг ишлаб чиқилиши муҳим ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич чуқурлаштириш, қишлоқдаги мулкдор ва тадбиркорларнинг аҳамиятини ошириш, фермерлар ҳаракатини қўллаб-қувватлаш – «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг асосий таркибий қисмларидан ҳисобланади.

«Шу билан бирга, - деб таъкидлайдилар Президентимиз асарда, - ўтган давр мобайнида орттирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириш учун бир катор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжаликларининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб этмоқда. Фаолият юритаётган аксарият фермер хўжаликларининг иш тажрибаси шундан далолат берадики, фермер хўжаликларини шакллантиришнинг дастлабки босқичида уларга ажратиб берилган ер майдонларининг камлиги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўсишига кўп жиҳатдан тўсқинлик қилмоқда. Имконияти, куч-қуввати кам бўлган фермер хўжаликлари ўзини зарур техника, айланма маблағ билан таъминлаш, кредит қобилиятига эга бўлиш, энг асосийси, ўз харажатларини қоплаш ва фойда кўриб ишлаш, даромадни оширишнинг ишончли асосига айланолмаслигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда»³.

Фермер хўжаликларига ажратилаётган кичик ҳажмдаги ерларда самарали хўжалик юритиб бўлмаслиги тўғрисидаги фикрларни бу борада олиб борилган баъзи илмий тадқиқот натижалари ҳам яққол тасдиқлайди. Жумладан, Б.Холматовнинг таъкидлашича, «фермер хўжаликлари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, сўралганларнинг аксарият қисми тежамкорликка тўсқинлик қилувчи сабаблардан бири сифатида ажратилган ер майдонлари ҳажмининг самарали хўжалик юритиш учун

³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 22-23-б.

етарли даражада эмаслигини кўрсатганлар. Фарғона вилоятидаги битта фермер хўжалигига тўғри келувчи ўртача ер майдони 16,2 гектарни ташкил этмоқда. Натижада кичик ҳажмдаги ер майдонларига эга бўлган фермер хўжаликлари фаолияти ишлаб чиқариш самарадорлиги ва тежамкорлик тамойилларига зид келмоқда. Жумладан:

- йирик ажмдаги ер майдонларига мўлжалланган техника воситаларидан фойдаланишдаги муаммолар;
- доимий ишчилардан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлиги;
- баъзи бир ресурс ва хизмат турларидан қонуний ва тўлиқ асосда фойдаланишдан манфаатдор бўлмаслик;
- тўлақонли фаолият юритишга қизиқишнинг сустлиги, тезроқ фойда олишга интилишга мойилликнинг пайдо бўлиши ва бошқалар.

Сўровда иштирок этган баъзи бир фермер хўжалиги раҳбарларининг фикрича, кичик ҳажмдаги ерга эга бўлган хўжаликлар учун тижорат банкларидан кредит ёки асосий воситаларни лизингга олиш муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Баъзи ҳолларда банк ёки лизинг компаниялари асосий воситани лизингга бериш учун хўжалик ер майдонининг камида 40-50 гектар бўлишини талаб этмоқдалар. Чунки бунда кам ҳажмдаги ер майдонига эга бўлган хўжаликлар ўз фаолиятидан олинган соф даромад ҳисобига лизинг тўловларини тўлашда қийинчиликка дуч келадилар.

2–боб.Самарканд вилояти Агросаноат мажмуасида агросервиснинг ҳозирги ҳолати.

2.1 Самарканд вилояти Агросаноат мажмуасининг иқтисодий тавсифи.

Самарканд вилоятининг майдони 16683 кв.км, аҳолиси 2955,5 минг кишидан иборат бўлиб, Республика ҳудудининг 3,7%- ини, аҳолининг 11,1%- ини ташкил қилади. Аҳолининг зичлиги республикада 1 кв.км – 59,4 кишини ташкил қилса, вилоятда - 177,2 кишидан иборат, ўртача Республика кўрсаткичидан уч баробар юқори.

Маъмурий жиҳатдан Самарканд вилояти 14 та туман, 12 шаҳар ва шаҳарча ҳамда 1932 та қишлоқлардан иборат.

Самарканд вилояти ҳудудий жойлашувига кўра, Ўзбекистон Республикасининг марказида, Зарафшон водийсининг ўрта қисмида жойлашган. Вилоят жанубдан Қашқадарё, шимолдан Навоий, шимоли-шарқдан Жиззах вилояти, жануби – шарқда Тожикистон республикаси билан чегарадош.

Самарканд вилояти табиий ва иқлимий шароити республиканинг бошқа вилоятларига нисбатан анча қулай бўлганлиги сабабли ўлкада қадимдан аҳоли манзилгоҳлари вужудга келган, халқ деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган.

Минтақа тоғли ва текислик қисмларидаги ёғин ва иссиқликнинг тақсимланиши бирмунча ўзгарувчандир. Самарканд метеорологик маркази маълумотларига кўра, йил бўйича қуёшнинг ёритилиши 2877 соатга тенг бўлиб, унинг 70 фоизи май ойидан октябргача тўғри келади ва ўртача ҳар бир см.кв майдонга 181 ккал қуёш радиацияси тушади.

Зарафшон дарёси суғоришга эҳтиёж катта бўлган ёз ойларида тўлиб оқади. Сувдан янада самарали фойдаланишни кўзлаб, дарёнинг ўрта оқимида Каттакўрғон сув омбори, қуйи оқимида эса Қуйимозор сув омбори барпо

элилган. Шу билан бирга эски Анхор канали орқали Зарафшон суви (Дарғом каналидан) Қашқадарё вилоятига оқизилмоқда. Хуллас, сувдан хўжаликда тўла фойдаланиш бўйича Ўрта Осиёнинг биронта дарёси Зарафшонга тенглаша олмайди. Унинг 90 фоиз суви суғоришга сарфланади.

Самарқанд вилоятининг аҳолиси 2008 йилги маълумотга кўра 2867 минг кишидан ортиқ, шундан шаҳар аҳолиси 737.1 минг кишини ташкил этади, меҳнатга яроқли аҳоли 47.2 фоизни ташкил этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида халқ хўжалиги тармоқларининг, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлиги кўп жиҳатдан бошқа тармоқлар ишлаб чиқариш фаолиятига чамбарчас боғлиқ. Сабаби, бир тармоқнинг пировард маҳсулоти бошқа бир тармоқ учун ишлаб чиқариш воситаси ёки хом-ашёси бўлиб хизмат қилади ва унинг тармоқ учун бирламчи қайта ишлаш ёки маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш хизматини вужудга келтиради.

Қишлоқ хўжалиги бир томондан, техника, қишлоқ хўжалик машиналари, ёқилғи мойлаш материаллари, заҳарли кимёвий воситалар, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари ва транспорт воситалари етказиб берувчи саноат билан, иккинчи томондан, таъмирловчи, сақловчи, етказиб берувчи, яъни хизмат қилувчи тармоқлар ва ишлаб чиқарувчилар билан боғланган.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан хом-ашё сифатида фойдаланувчи, саноатнинг озиқ-овқат, енгил, тўқимачилик каби тармоқлари билан ҳам мустаҳкам алоқа мавжуд.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари ўртасида бундай алоқадорлик улар базасида, органик жиҳатдан алоқадор бўлган ва ягона пировард мақсадга қаратилган агросаноат мажмуи шаклланишувини вужудга келтиради.

Шундай қилиб, агросаноат мажмуи қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан, унинг ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеъмолчига етказиб бериш билан боғланган халқ хўжалиги тармоқларининг тўпламидан иборатдир. Унинг фаолияти минимал

харажатлар ҳисоби мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатни хом-ашё билан тўлароқ қондиришга қаратилган.

Агросаноат мажмуининг асосий ижтимоий – иқтисодий мақсади қуйидагилардан иборат:

- Мамлакатнинг озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш ва унга бўлган истеъмолни илмий асосланган меъёрларга яқинлаштириш;
- Аҳолини қишлоқ хўжалик хом – ашёсидан тайёрланадиган озиқ-овқат бўлмаган товарларга бўлган талабини қондириш;
- Агросаноат мажмуи корхоналарини ривожлантиришнинг интенсив шаклига ўтказиш ва шу асосда пировард маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстиришни таъминлаш;
- Барча тармоқ ва корхоналарда мавжуд ресурслар потенциалидан фойдаланишни яхшилаш ва шу асосда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
- Ташқи савдо обороти структурасини, озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ четга чиқариш ҳисобига ўзгартириш.

Агросаноат мажмуаси мақсад ҳамда вазифаларидан келиб чиққан ҳолда унинг таркиби қуйидаги 4 та соҳадан ташкил топиши мумкин:

1-соҳа – агросаноат мажмуаси таркибидаги корхоналар учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари. Улар таркибан қишлоқ хўжалик машинасозлик, тракторсозлик саноати; кимё саноати; нефть маҳсулотлари саноати, микробиология саноати; озиқ-овқат машинасозлик, станоксозлик саноати; қурилиш материаллари саноати ва бошқалардан ташкил топади. Уларнинг кўлами, айниқса, машинасозлик ва станоксозлик саноати тармоқларининг кўлами республикадаги барча омилларни эътиборга олган ҳолда чекланган.

2 – соҳа – агросаноат мажмуасининг асосий тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалигидан ташкил топади. Унинг барча тармоқлари– ўсимликчилик ҳамда чорвачилик тармоқларида саноат тармоқлари учун


хомашёлар (пахта хомашёси, бошоқли донлар, каноп, зиғир, қанд лавлагли, жун, тери, кунжут, узум), аҳоли истеъмоли учун эса гўшт, сут, сабзавот, полиз, мева маҳсулотлари етиштирилади.

3-соҳа. У қишлоқ хўжалигини ташкил этиш ҳамда унинг ривожланишига хизмат кўрсатадиган тармоқлар, жумладан, экинларни, чорва хайвонларини сув билан таъминлайдиган, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишини таъмин этувчи чора-тадбирлар тизимини амалга оширадиган сув хўжалиги тармоғи; қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган барча техникаларга сервис хизмати кўрсатадиган тармоқ; тармоқда йирик бино-иншоотларни қурувчи, мавжудларини таъмирловчи тармоқ; тармоққа зооветеринария хизмати, шунингдек, ҳашаротларга, зараркурандаларга, бегона ўтларга қарши курашиш мақсадида кимёвий хизмат кўрсатадиган соҳаларни ўз ичига олади. Қишлоқ хўжалигини ёқилғи, ёнилғи ва ёғловчи материаллар ҳамда электроэнергия билан таъминлайдиган тармоқлар ҳам шу соҳа таркибига киради.

4-соҳа. Унга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи, сақловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар, жумладан, пахта тозалаш, донни, канопни, қанд лавлагини, гўшт ва сутни, тамакини, сабзавот ва полиз маҳсулотларини, мева, узумни қайта ишлаш, енгил ва бошқа саноат тармоқлари; бозор талабини эътиборга олган ҳолда тайёр маҳсулотларни улгуржи ва чакана ҳолда етказиб берадиган савдо тармоқлари киради.

Вилоят агросаноат мажмуаси таркибига кирувчи тармоқлар.

2.1.1-чизма



Биз илмий ижодимизни 3 – соҳа бўйича давом эттирамиз.

Агросаноатда ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси нафақат бевосита қишлоқ хўжалигининг ривожланиши даражасигина эмас, балки унга хизмат қилувчи тармоқларнинг ҳам ривожланиши даражасига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ҳажмининг кўпайиши билан бирга моддий –техника ресурсларидан, зарур хом–ашёлардан, ёрдамчи материаллардан ва бошқалардан фойдаланиш миқдори ўсиб боради. Хўжаликларнинг электро–энергияга, транспортга, алоқа воситаларига, маҳсулотни сақлаш учун омборлар ва бошқаларга бўлган эҳтиёжи ортиб боради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг техника – таъмирлаш хизматига, моддий–техника таъминоти ташкилотига, инженерлик, зооветеринария, агрокимё хизмати ва бошқа хизматлар боғлиқлиги ўсади. Бунда қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг зарур миқдорини олишга мослашган тармоқ ва ишлаб чиқаришларни ривожлантириш билан бир қаторда маҳсулотдан самарали фойдаланишни таъминловчи ва уни истеъмолчига етказиб берувчи ташкилотларни ривожлантириш ҳам муҳимдир. Иқтисодиётда бундай тармоқлар ва хизматларнинг тўпламини инфратузилма деб аташ қабул қилинган.

Инфратузилма деганда, иқтисодий ва ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг меъёрий шароитларини таъминлашга қаратилган комплекс тармоқ ва ишлаб чиқаришлар тушунилади. У ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўладиган технологик, ишлаб чиқариш, иқтисодий ва ташкилий алоқаларни амалга ошириш йўли билан агросаноат мажмуининг самарали ҳаракат қилишга имкон беради.

Инфратузилма жамият ишлаб чиқарувчи кучларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. У корхона ва ташкилотларнинг самарали фаолиятини таъминлайди ва агросаноат мажмуининг кўпроқ ва сифатлироқ пировард маҳсулот олишига йўналтирилган.

Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш пировард натижада бир томондан асосий ишлаб чиқариш фондига ва айланма воситалар билан,

техника билан, жиҳозлар билан, малакали меҳнат ресурслар билан таъминлаш даражасига ва иккинчи томондан хизмат кўрсатадиган ишлаб чиқариш ва хизматларнинг даражасига боғлиқ. Булар ичида агрокимёвий, зооветеринария, консултатив, ахборот ва бошқа хизматлар муҳим роль ўйнайди.

Инфратузилма қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг ва унинг самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан биридир. Хом–ашё, материаллар, тайёр маҳсулотларнинг ўз вақтида етказиб берилиши кўп жиҳатдан хўжалик оборотида бўлган ресурслар ҳажмини аниқлаб беради. Инфратузилма тармоқларини вужудга келтиришнинг бош шарт–шароити мамлакат иқтисодий потенциалининг умумий ўсиши ҳисобланади. Агросаноат мажмуи инфратузилмасининг анча тез ривожлантиришнинг зарурияти унинг таркибига кирувчи тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ўстириш омилларининг ўзгариши билан боғлиқ.

Индустриалаштириш, кимёлаштириш, мелиорация ва ишлаб чиқаришнинг бошқа омилларини жадаллик билан ривожлантириш, фақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш воситаларини миқдор жиҳатдан кўпайтиришгагина эмас, балки моддий–пул ресурсларидан анча самаралироқ фойдаланишни таъминлайдиган хизматлар тизимини ташкил қилишга таъсир кўрсатади.

Бозор мунособатларининг ривожланиши шароитида инфратузилма тармоқлари ва ишлаб чиқаришнинг вазифалари деярли ўзгаради. Қишлоқ хўжалигини моддий ресурслар, техника ускуналар билан таъминлаш тизими ташкил топади.

Агросаноат мажмуи корхоналарига моддий ресурсларни сотиш бўйича ҳаракатдаги ишлаб чиқариш ва хизматлар базасида турли хил ҳиссадорлик (акциядорлик) жамиятлари, ширкатлар ва бошқалар ривожлантирилади.

Моддий ишлаб чиқариш инфратузилмасининг муҳим вазифаси қишлоқ хўжалиги корхоналарини аста–секин ишлаб чиқаришга хизмат қилиш бўйича вазифаларни бажаришдан озод қилиш ва асосий ишлаб чиқариш фаолиятини кучайтириш ҳисобланади. Инфратузилма ишлаб чиқариш ҳажмини

кўпайтириб бориш ва асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифатини яхшилаш учун меъёрий шароитни яратишга қаратилган.

Инфратузилмага кирувчи тармоқлар, ишлаб чиқариш жараёнига бир хил таъсир кўрсатмайди ва ижтимоий такрор ишлаб чиқариш тизимида ўзига хос ўрнини эгалайди. Шу боисдан инфратузилма тармоқларини, уларнинг асосий белгилари бўйича гуруҳлаш амалий аҳамиятга эга. Инфратузилмаларни турлаш алоҳида элемент сифатида ҳам ва ижтимоий такрор ишлаб чиқариш тизимида бир бутун тармоқ сифатида уларнинг ўрнини аниқлаш имконини беради. У тармоқлараро алоқаларни ўрганишга ва асосий ишлаб чиқариш тармоқлари ва хизмат қилувчи тармоқлар ўртасида оптимал нисбатни аниқлашга ёрдам беради.

Инфратузилма элементларининг кўп томонлама ҳаракатларини ҳисобга олган ҳолда уни аниқ бир белги бўйича турлаш қийин муаммо. Агросаноат мажмуи инфратузилмасининг барча элементларини тўртта белги бўйича куйидагича гуруҳлаш тавсия этилади:

1.Ишлаб чиқариш жараёнига таъсири даражаси бўйича:

А)Ишлаб чиқариш

Б)Ижтимоий

2.Худудий белги бўйича:

А)Халқ хўжалиги

Б)Регион

С)Локал

3.Тармоқ белгиси бўйича:

А)Тармоқлараро

Б)Тармоқ ичида

4.Функционал белгиси бўйича:

А)Сфералар(соҳалар)

Б)Қишлоқ хўжалигига хизмат қилиш бўйича

С)Маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш бўйича

Халқ хўжалиги инфратузилмаси деганда, халқ хўжалигининг самарали фаолият кўрсатиш учун хизмат қиладиган тармоқ ва хизматларнинг тизими тушунилади.

Булар, йирик инфратузилма комплекси бўлиб, мамлакат ягона энергетика тизими, ягона транспорт тизими, ягона алоқа тизими ва бошқалар ҳисобланади. Улар халқ хўжалигининг электро энергияга бўлган эҳтиёжини қондиришга, почта, телеграф ва транспорт алоқаларини меъёрида таъминлашга хизмат қилади.

Регион инфратузилмаси алоҳида иқтисодий туманларни ривожлантириш, ҳудудий ишлаб чиқариш комплексларини вужудга келтириш билан боғланган.

Локал ёки ишлаб чиқариш инфратузилмаси алоҳида корхоналар фаолиятини таъминловчи ишлаб чиқариш ва элементлардан ташкил топади. Бунга мисол қилиб, машина-ускуналарга техник хизмат кўрсатувчи ва таъмирловчи, энергетикага, омборхона ва совуткичларга хизмат кўрсатувчи ва таъмирловчи, хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги қурулишлар бўйича ташкилотлар ва бошқаларни олиш мумкин.

Тармоқлараро инфратузилма ҳалқ хўжалигининг кўпчилик тармоқларига биринчи навбатда, транспорт, электр таъминоти, алоқага хизмат қилишга қаратилган. Тармоқ ичидаги инфратузилма аниқ тармоқнинг фаолиятига мослашган. Масалан, қишлоқ хўжалигининг тармоғи сабзавотчиликни жадал ривожлантиришни уруғчиликсиз, маҳсулотни сақлаш учун зарурий шароитларни яратмасдан, техника ва ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат қилишни йўлга қўймасдан амалга ошириш мумкин эмас.

Чорвачиликда тармоқ ичидаги ишлаб чиқариш инфратузилмасида муҳим ўринни ветеринария хизмати эгаллайди. Бундай хизматнинг зарурияти асосан тармоқда ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялашни ривожлантириш шароитида юзага чиқади. Чорвачиликда тармоқ ичидаги инфратузилмани вазифаси тармоқни ускуналар, препаратлар, приборлар ва

асбоблар билан таъминлаш ва шу асосда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини кескин ошириш ҳисобланади.

Бевосита қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи соҳага машина ускуналарга техник хизмат кўрсатувчи ва таъмирловчи тармоқ ва корхоналар, шунингдек транспорт, мелиорация ташкилотлари, агрохимия, ветеринария, ахборот хизмати, моддий техника таъминоти ва электрлаштириш тизими киради.

Маҳсулотни истемолга етказиб берувчи соҳага маҳсулотни тайёрлаш, транспортировка қилиш, сақлаш бўйича ташкилотлар киради. Агросаноат мажмуи нормал фаолият кўрсатиши етарли миқдорда сақлаш хоналарисиз катта ҳажмли ва майда идишлар билан ҳамда бошқа қадоклаш материаллари билан таъминламасдан туриб рўёбга чиқмайди.

Ҳозирги даврда мамлакат агросаноат мажмуасига 2210 га яқин корхона киради. Буларга фермер хўжаликлари ҳам қўшилса, унда уларнинг умумий миқдори 85 мингдан ошади

Самарқанд вилоятининг мамлакатимиз агросаноат мажмуида ўзига хос муҳим ўрин эгаллайди. Ҳозирги кунда вилоятда 11744 та фермер хўжалиги самарали фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда бу борада ҳуқуқий, моддий ва молиявий жиҳатдан зарур шарт-шароитлар, тегишли инфратузилмалар яратиб берилгани бу соҳани кенг ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлмоқда. Ўтган йили воҳада етиштирилган пахтанинг юз фоизи, ғалланинг эса 80 фоизи фермер хўжаликлари томонидан тайёрлангани фермерлик ҳаракати чиндан ҳам ҳал қилувчи кучга айланиб бораётгани, унинг имкониятлари ва истиқболи катта эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 6,3 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 13 фоиздан зиёди, хизматлар ва сервис соҳасининг 8 фоизи бугун Самарқанд вилоят ҳиссасига тўғри келган.

Биргина 2009 йили вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 10,5 фоизга, саноат маҳсулотлари 24,6 фоиз, қишлоқ хўжалиги 6,3 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳаси 37 фоиз, экспорт ҳажми эса 35 фоизга ошгани ҳам бу

фикрни тасдиқлаб турибди. Ана шундай корхоналарда кимёвий толалар, қурилиш материаллари ва мотор мойи сингари маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани, айниқса, автомобилсозлик саноати янги босқичга кўтарилганини алоҳида қайд этиш керак.

Бугунги кунда “СамАвто” заводида япониялик ҳамкорлар иштирокида ишлаб чиқарилаётган “Исузу” автобуслари ва юк автомобиллари нафақат мамлакатимиз, балки дунё бозорида ҳам ўз харидорини топмоқда. Ҳозирги пайтда ушбу корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида яқин вақт ичида бу ерда йилига 12 минг дона автобус ва юк автомобиллари ишлаб чиқариш имкониятига эга бўламиз.

Умуман олганда, 2009 йилда вилоят бўйича 255 минг тоннадан зиёд пахта, 690 минг тонна ғалла, 834 минг тонна сабзавот, 184 минг тонна мева, 296 минг тонна узум етиштирилди.

Бугунги кунда иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилмасдан ва замонавий технологияларни олиб келмасдан туриб, бундай корхоналарни оёққа турғизиб бўлмайди. Буни ўтган йили мамлакатимиз бўйича ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг атиги 1,5 фоизи Самарқанд вилояти ҳиссасига тўғри келгани, Вилоятдаги мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган 12 та заводни модернизация қилиш режаси ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, Тайлоқ, Самарқанд, Пайариқ, Булунғур ва Оқдарё туманларидаги агрофирмалар ва фермер хўжаликларига 15 та мини-технологияни жорий этиш кўзда тутилмоқда. Натижада мазкур туманларда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини 32 фоиздан 43,5 фоизга етказиш мўлжалланмоқда.

Бугунги кунда вилоятдаги мавжуд кичик бизнес субъектларининг 71 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳасида, қарийб 10 фоизи савдо ва умумий овқатланиш йўналишида фаолият кўрсатмоқда.

Самарқанд ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуида қишлоқ хўжалик алоҳида ўрин тутди. Дехқончилик қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 75

фоизини беради. Деҳқончиликнинг етакчи тармоғи бу районда ҳам пахтачиликдир. Бошқа техник экинлардан тамаки, кунжут, зиғир ва сафсар (махсар) стиштирилади. Ургут тумани тамаки етиштиришга ихтисослашган. Бу ерда мамлакатдаги тамакининг 96 фоизи етиштирилади.

Бугун вилоятда муқобил МТПлар, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, минибанклар, минерал ўғит сотиш шохобчалари, транспорт, консалтинг ва маркетинг хизматлари каби 400 дан зиёд хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб турибди. Шунингдек, 14 агрофирма ташкил этилган.

Мамлакат аҳолисининг 10 фоизи яшайдиган бу вилоятга мевали дарахтларнинг 15 фоизи ва тоқзорларнинг 30 фоизи тўғри келади. Чорвачилик агросаноат мажмуъининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Қорамоллар сони жиҳатидан иқтисодий географик район мамлакатда биринчи ўринни эгаллайди, қорақўлчиликда эса учинчи ўринда туради. Бу ерда қорақўлчиликни ривожлантириш чораларини тадқиқ этувчи иимий-тадқиқот институти бор.

Мустақиллик йилларида Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалиги учун хизмат кўрсатувчи саноат корхоналари қайта жиҳозланди. Уларда бозор талабига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш амалга оширилди. Саноатнинг асосий қисми хусусийлаштирилди. Аксарият йирик, ўрта корхоналар негизида аксиядорлик жамиятлари тузилди. Кўплаб қўшма корхоналар ташкил қилинди. Самарқанд вилоятидаги мулкчиликнинг барча турига оид 135 йирик саноат корхоналарининг асосий қисми Самарқанд шаҳрида жойлашган. Булар «СамКочАвто» (автобус ва юк машиналари ишлаб чиқарилади), «Алпомиш» (тракторлар, гилза-поршенлар), «Тажриба-механика» (пармалаш ускуналари), «Кинап» (кино-аппаратура), автомобиллар учун электротехника асбоб-ускуналари, уй-рўзгор совиткичлари корхонаси, суперфосфат, аммофос ўғитлари, сульфат кислотаси ишлаб чиқарадиган Суперфосфат заводи, лифтсозлик, мармар тахталар, ғишт, асфалт-бетон заводларидир.

Шунингдек, Самарқанд шаҳардаги қишлоқ хўжалиги ишлаб

чиқариши билан боғланган енгил саноат корхоналаридан пиллакашлик, шойи тўқиш, трикотаж, тикувчилик, мебел, поябзал фабрикалари, чинни заводи фаолият кўрсатади. Озиқ-овқат саноатида: ун-тегирмон, макарон, чой қадоқлаш, сут-мой, мева-консерва, вино, пиво, спирт-ароқ ва алкогольсиз ичимликлар, кандолат ширинликлари ишлаб чиқарадиган корхоналар мавжуд.

Шаҳар Тошкент халқаро аэропорти авиалиниялари орқали Республика вилоятлари ва хорижий давлатлар билан боғланган. Вилоят АСМда транспорт инфраструктурасининг ўрни ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Вилоятда умумий автомобил йўлларининг узунлиги 12510 км бўлиб, шундан қаттиқ қоплама йўллар 4072 кмни ташкил этади. Айти пайтда Самарқанд шаҳрининг географик жойлашувида автомобил йўлларининг халқаси туманларни бир – бири билан боғлайди.

2.2 Самарқанд вилоятида агросервис хизматлари шакллантирилишининг умумий ҳолати таҳлили.

Самарқанд вилоятида агросервис хизматлари ҳолатини таҳлил қилинганда энг аввало агросервисни шаклланишини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда самарқанд вилояти Агросаноат мажмуасида ишлаб чиқариш инфратузилмаси ишлаб чиқариш воситаларининг меъёрий ҳаракатини таъминловчи ва уларнинг узоқ вақт давомида ишга яроқлилигини сақлашга ёрдам берувчи тармоқларни ўз ичига олади. Агросаноат мажмуасида ишлаб чиқариш инфратузулмаси таркибига бевосита қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи қуйидаги тармоқлардан ташкил топган:

- 1.Ишлаб чиқаришга мўлжалланган транспорт;
- 2.Таъмирлаш устахоналари;
- 3.Омбор ва совуқхоналар;
- 4.Коммуникация, почта ва телеграф алоқаси тизими;
- 5.Электр узатиш линиялари;
- 6.Техник хизмат кўрсатиш станциялари;
- 7.Илмий ишлаб чиқариш лабораториялари;
- 8.Ҳисоблаш марказлари;
- 9.Тайёрлаш, савдо корхоналари;
- 10.Моддий техника таъминоти;
- 11.Мелиорация ва ирригация иншоотлари.

Бундан ташқари унга яна махсус хизмат кўрсатувчи хизмат ва бўлимлар ҳам киради:

- 1.Ўсимликларни ҳимоя қилиш;
- 2.Агротехника;
- 3.Ветеринария;
- 4.Сунъий қочириш;
- 5.Техника таъмирлаш;
- 6.Ҳуқуқий.

Агросаноат мажмуасининг муҳим соҳаси ҳисобланган қишлоқ хўжалигини қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш бўйича оптимал қувватни ташкил этиш ва унга хизмат кўрсатиш, автогаражлар, техникаларни сақлаш ҳайвонлар ва майдончалар кўриш, нефть омборлари ва ёқилғи мойлаш материаллари учун сақлаш жойлари қуриш кабиларга катта эътибор қаратилмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, яхши ривожланган хизмат кўрсатиш шаҳобчалари қишлоқ хўжалик ходимларига иш вақтидан унумли фойдаланишга, ўз шахсини ривожлантиришга катта эътибор беришга ва ижтимоий ҳаётга фаол иштирок этишга имкон беради.

Самарқанд вилояти Агросаноат мажмуаси агросервис субъектлари тўғрисидаги маълумот (2012-йил 1-апрел ҳолатига).

2.2.1-жадвал

[illegible]

Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланилди.

2012-йилнинг 1-апрел ҳолатига келиб Самарқанд вилоятида жами фаолият юритаётган фермер хўжаликлари сони 7723 тани ташкил қилиб, туманлар бўйича тақсимланишида энг кўп Булунғур тумани ҳиссасига тўғри келади, туманда 1115 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Кейинги ўринларда Пастдарғом, Ургут тумани, Тайлоқ ва Пайариқ туманлари ўрин олган. Вилоят бўйича энг кам кўрсаткич эса Қўшработ туманига тўғри келади, яъни 253 нафар фермер хўжаликлари мавжуд. Самарқанд вилояти туманларига ўртача 551 тадан фермер хўжаликлари тўғри келади. Вилоятда 2012-йилга келиб 241 та муқобил машиналар трактор парки(МТП) хизмат кўрсатмоқда, Пастдарғом туманида 42 та МТПлар мавжуд бўлиб, бу вилоят туманлари бўйича энг катта кўрсаткич ҳисобланади, Иштихон, Каттақўрғон ва Ургут туманларида 20 дан ортиқ МТПлар мавжуд, Қўшработ туманида эса бир дана МТП мавжуд бўлиб, ўртача туманларга 17 тадан МТП тўғри келади.

Вилоятда 2005 йилдан ҳозирги кунгача 13 та Сувдан Фойдаланувчилар Уюшмаси (СФУ) фаолият олиб бормоқдалар, ҳар бир туманга биттадан СФУ тўғри келади. Вилоятда 84 та Минерал ўғит сотиш шахобчалари мавжуд бўлиб, ҳар бир туманга ўртача 6 тадан тўғри келади.

Самарқанд вилоятида жами 121 та Ёнилғи мойлаш материаллари шахобчалари фаолият кўрсатмоқдалар, Пастдарғом ва Пайариқ туманида 19 тадан ЁММ хизмат кўрсатаётган бўлса, ЁММ сони туманларга ўртача 9 тадан тўғри келади.

Зооветеринария хизмати кўрсатувчи шахобчалар вилоят бўйича жами Самарқанд шаҳридаги 6 та Зооветеринария хизматини кўрсатувчи шахобчаларни қўшган ҳолда 308 тани ташкил этади, шундан Каттақўрғон, Пастдарғом ва Пайариқ туманларида 30 тадан ортиқ Зооветеринария хизмати кўрсатувчи шахобчалар шахобчалари мавжуд, ҳар бир туманга ўртача 22 тадан Зооветеринария хизмати кўрсатувчи шахобчалари тўғри келади.

Иштихон, Нуробод ва Қўшработ туманларидан ташқари вилоятда жами 17 та ахборот таъминот консалтинг шахобчалари хизмат кўрсатаёпти.

2012-йилга келиб вилоятимизда фермер хўжаликларга 216 та минибанк хизмат кўрсатмоқда, Самарқанд шаҳрининг ўзида 70 та минибанк мавжуд бўлиб, жами минибанкларнинг 33% ни ташкил этади. Вилоят бўйича ҳар бир туманга ўртача 15 тадан минибанк тўғри келади.

2.2.2-жадвал.

Вилоятдаги агросервис субъектлар сони (5 йиллик маълумоти).

Кўрсаткичлар	2007- йил	2008- йил	2009- йил	2010- йил	2011- йил	2012- йил1- чорак

Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланилди.

Самарқанд вилоятидаги агросервис субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар 2012-йилнинг январ ойига ҳолати.

2.2.3жадвал.

№	Агросервис субъектлари	сони (дона)	Тузилган шартномалар		Ҳақиқатда курсатилган хизмат		Тузилган солиштирма далолатномалар		Банкга топширилган тулов талабномалари		Ундирилди млн. сумм	01.01. 2012 й. ҳолатига дебитор қарз, млн. сум	01.01.2012 ҳолатига кредиторлик қарзи,млн сум

Манба: Самарқанд вилояти статистика боқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Бугунги кунда Вилоят буйича 13 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси 7912 та хужаликлар билан 2876 млн сумлик шартномалар тузилиб, ҳақиқатда 7935 та фермер хужаликларига 2258 млн сўмлик хизматлар кўрсатилган. Бундан ташқари курсатилган хизматлар тушган маблағлар 896 млн сўмни ташкил килади.

Самарқанд вилоятда 241 та Мукобил машина трактори паркларига жами 4273 та хўжаликлари билан 15455 млн сўмлик шартномалар тузилган, ҳақиқатда 4273 та хужаликларига 16003 млн сумлик хизматлар курсатилиб, шартнома 104% га бажарилган, жами 9602 млн сўм маблағ тушган.

Агросервис хизматларидан яна бири минерал ўғитлар етказиб бериш шаҳобчалари вилоятда 84 тани ташкил этган, бунда жами 9040 та хўжаликлар билан 36175 млн сўмлик шартномалар тузилган. Шундан 9040 та хўжаликларига 45471 млн сўмлик хизматлар кўрсатилган ва шартнома 125% га бажарилган, шундан 20748 млн сўмлик маблағ тушган.

Шунингдек Ёқилғи Мойлаш материаллари етказиб бериш шаҳобчалари Вилоят туманлари буйича 121 тадан иборат бўлган. Мавжуд ЁММ етказиб бериш шаҳобчалари томонидан жами 6759 та хўжаликлар билан 34314 млн сўмлик шартномалар тузилган. Шундан 6465 та фермер хўжаликларига 35568 млн сўмлик хизматлар кўрсатилган. Ушбу кўрсатилган хизматлар буйича хўжаликларидан 23254 млн сўмлик маблағлар тушган.

Муҳим агросервис хизматларидан бири Зооветеринария хизматидир, Вилоят буйича 308 та шаҳобча томонидан 1179 та фермер хўжаликлари билан 679 млн сўмга шартномалар тузилган. Шундан 1179 та фермер хўжаликларига 762 млн сўмлик хизматлар кўрсатилди ва шартнома 112% га бажарилди, хўжаликларидан 100% яъни 762 млн сўмлик маблағ ўндирилди.

2.3. Вилоятда агросервис самарадорлигига таъсир этувчи омиллар таҳлили.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги умумий кўринишда ишлаб чиқаришнинг натижаси, жонли ва буюмлашган меҳнат харажатлари ўртасидаги нисбат билан ифодаланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг объектив зарурлиги мамлакат иқтисодий ривожланишининг ҳозирги этапдаги бир қатор хусусиятлари ва доимий ҳаракатдаги омилларнинг йиғиндисига боғлиқ. Бир томонда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш озиқ-овқат ва хом ашёга бўлган талабнинг ўсиб бориши ва қийинлашиши, маҳсулот сифатига бўлган талабнинг кучайиши, баъзи ишлаб чиқариш ресурсларининг чегараланганлиги, ишлаб чиқариш воситалари қийматининг ўзгариши ва бошқаларни кўрсатиб туради.

Бошқа томондан, ҳозирги этапдаги жамиятнинг ривожланиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятини кенгайтиради.

Мамлакатда тўпланган иқтисодий потенциал, фан ва техниканинг ривожланиши, малакали кадрлар, омманинг активлиги, уларнинг тажрибаси, шунингдек юқори пировард натижаларга омманинг моддий қизиқишининг ўсиши ўсимчилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга шароит яратади, таннархни пасайтиради ва рентабелликни ошириш имкониятларидан оқилона фойдаланишга имкон беради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги ҳақида масала кўрилганда, «Самара» ва «Самарадорлик» - тушунчаларининг бир хил эмаслигини кўзда тутиш керак. «Самара» атамаси қандайдир жараённинг натижасини билдиради. Умумий кўринишда ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг самараси шаклида унинг вазифаси – ишлаб чиқаришнинг мақсадини амалга оширувчи пировард маҳсулот юзага чиқади. Бир томондан, у ўз таркибига маълум даврдаги ҳаракатдаги ишлаб чиқариш ресурсларининг моддий натижаси йиғиндисини олади, бошқа томондан – ишлаб

чиқаришнинг пировард мақсади фақат бевосита ишлаб чиқарилган моддий бойликларнинг ҳажмида мужассамлашган бўлади.

Лекин самара қанчалик муҳим бўлса ҳам, ўз-ўзидан кишининг меҳнат фаолиятини тўлиқ характерламайди, қандай ресурс(харажат)лар эвазига олинганлигини кўрсатмайди. Бир хил самара турли усул билан, ресурслардан турлича даражада фойдаланиш орқали олинган бўлиши мумкин ва аксинча, бир хил ресурс(харажат)лар турли самара бериши мумкин. Шунинг учун эришилган самарани шу самарани олишда қатнашган ресурслар(харажатлар) билан таққослаш зарурияти келиб чиқади.

Бундан кўринадики, самара(натижа) деб аталган абсолют миқдор билан бир қаторда яна бир абсолют миқдор – қўлланилган ёки истеъмол қилинган ресурсларни(жорий ишлаб чиқариш харажатлари) ҳажмини билиш зарур.

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги иқтисодий самаранинг (натижанинг) ресурсларга(харажатларга) нисбати ёки аксинча усул билан аниқланади:

$$IS = \frac{C(n)}{P(x)} ; \frac{P(x)}{C(n)}$$

Иқтисодий самарадорлик даражаси қандай баҳодаги ресурслар ҳисобига иқтисодий самарага эришилганлигининг билдиради. Самара қанча катта ва харажат шунча кичкина бўлса, ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги шунча катта бўлади ва аксинча. Ресурслар ва иқтисодий самарадорлик ўртасида маълум бир алоқа мавжуд. Харажатлар икки хил бўлиши мумкин: жонли ва буюмлашган. Жонли меҳнат, асосий ва моддий айланма воситаларнинг абсолют миқдори ресурслар (харажатлар) сифатида, улар миқдорининг камайиши ва уларни тежаш – иқтисодий самара шаклида кўринади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги моҳияти, унинг критерияси ва кўрсаткичлари орқали амалга ошади.

Мезоннинг илмий тушунчаси маълум бир белги, баҳо ўлчовини ифодаладиган асосий сифати унинг муҳим хоссасидир. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги мезони жамиятга керак бўлган ер майдони бирлигидан чиқадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг олинishi шу билан бир қаторда ишлаб чиқаришнинг тежамлилиги ва юқори сифатини таъминлашдир.

Кўрсатилган мезон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мақсадига – тармоқ маҳсулотига аҳолининг ўсиб бораётган талабини тўлароқ қондиришга жавоб беради ва унинг ютуқлари йўлини – ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва интенсивлаштириш асосида системали равишда ишлаб чиқаришни пасайтиришни аниқлаб беради. Шу билан бирга бу мезонда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусияти энг аввало ер ресурслари билан мустаҳкам алоқасини акс эттиради.

Қишлоқ хўжалигида самара ва ресурсларнинг босқич даражасига қараб, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидаги турларга бўлинади: халқ хўжалиги, тармоқ, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги, давлат, деҳқон хўжаликлари самарадорлиги, айрим қишлоқ хўжалик тармоқлари ва маҳсулотлари самарадорлиги, алоҳида ишлаб чиқариш ресурслари, шунингдек алоҳида хўжалик тадбирлари агротехник, зоотехник, ветеринария, техника, иқтисодий ташкилий муносабатлар ва бошқаларнинг самарадорлиги аниқланади.

Халқ хўжалиги самарадорлиги озиқ-овқатга бўлган истеъмолини қондириш, саноатнинг хом ашёга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, тармоқни умумдават, халқ хўжалик топшириқлари ва муаммоларини ҳал қилишда молиявий ҳиссаси нуқтаи назаридан баҳоланади. Тармоқ самарадорлиги ресурслар потенциалидан фойдаланишда, халқ хўжалигининг шу тармоғида самара (натижа) ва ресурс (харажат) ўртасидаги эришилган нисбатнинг натижасини акс эттиради.

Давлат ва кооператив корхоналар, ижара жамоалари, деҳқон хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлиги тармоқ самарадорлиги бўлиб

ҳҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва алоҳида маҳсулот турларини ишлаб чиқариш самардорлиги деҳқончилик, чорвачилик ва шу тармоқлар маҳсулотлари – ғалла, пахта, картошка, сабзавот, гўшт, сут, тухум ва бошқаларнинг пировард иқтисодий натижаларини характерлайди.

Янги шароитда, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш жараёнида амалга ошириладиган турли хўжалик тадбирларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш анча муҳим ҳҳисобланади. Бундай тадбирлар жумласига экин майдонларининг турли таркиби, қишлоқ хўжалигининг янги навлари, илғор технология ва алоҳида агротехник тадбирлар (тупроқни ишлаш, экиш, ҳосилни йиғиш ва бошқа усуллар), ҳайвонларнинг янги зоти, пода структураси, озиклантириш рациона ва бошқаларнинг самарадорлиги киради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги кўп ва турли туман омиллар ва шароитлар остида шаклланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммосининг қийинлиги шундан иборатки, бу омиллар бир-биридан алоҳида мустақил ҳаракат қилмайди. Улар бир-бири билан мустаҳкам алоқада, бир-бири билан боғлиқ.

Бу омилларни учта аспектда ўрганишни Исмоилов А тавсия этади⁴:

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш омиллари :

I.Ресурслар ва харажатлар бўйича:

1. Меҳнат сиғими;
2. Ер сиғими;
3. Фонд сиғим.
4. Материал сиғими.

II.Вужудга келишининг асосий йўналишлари:

⁴ Исмоилов А ва Муртазаев О “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” Сам 2003й.

1. Технология;
2. Ихтисослаштириш ва концентрация;
3. Меҳнатни ташкил қилиш ва меҳнат ҳақи;
4. Фан техника тараққиёти ва илғор тажриба;
5. Хўжалик ҳисоби ва ижара.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигига таъсир қилувчи ресурслар потенциалининг сифат омиллари ҳам мавжуд бўлиб, у қуйидаги схемада кўрсатилган:

Агросервис самарадорлигига таъсир этувчи омиллар қуйидаги чизмада келтирилган.

2.3.1-чизма.



Агросервис самарадорлигига таъсир этувчи омиллар қуйидагилардан иборат.

2.3.2-чизма.



Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланилди.

Маълумки, соф даромад ва фойда - икки хил иқтисодий категориядир. Агар соф даромад вужудга келган барча қўшимча маҳсулот қийматини ифодаласа, фойда - товар маҳсулотини сотишдан олинган қисминигина ифодалайди. Соф даромаднинг бир қисми баҳо ва солиқ сиёсати ва ҳар хил тўловлар орқали давлат ва маҳаллий буюджетларга бориб тушади ва умумхалқ эҳтиёжлари учун ишлатилади. Фойда - сотилган товар маҳсулотидан тушган пул маблағидан шу маҳсулотни тўла ишлаб чиқариш харажатларининг (марказлашган тўловлар ҳам шунга киради) чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади. Самарадорликни энг муҳим қиймат кўрсаткичлари қуйидагилар ҳисобланади:

ЯМ

$$1. C = \frac{\text{ЯМ}}{\text{ИХ} + \text{Е} * \text{АФ}}$$

ИХ+Е*АФ

Бу ерда: С- самарадорлик;

ЯМ- ялпи маҳсулот;

ИХ-ишлаб чиқариш харажатлари;

Е-0,15 асосий фондлар иқтисодий самарадорлигининг меъёрий коэффиценти;

АФ-асосий фондлар.

ЯД

$$2. C = \frac{\text{ЯД}}{\text{ИХ} + \text{Е} * \text{АФ}}$$

ИХ+Е*АФ

СД

$$3. C = \frac{\text{СД}}{\text{ИХ} + \text{Е} * \text{АФ}}$$

ИХ+Е*АФ

Ф

$$4. C = \frac{ИХ + E * АФ}{}$$

1. Меҳнат унумдорлиги:

ЯМ

$$1. C = \frac{ЯМ}{}$$

МС ёки ХС

ЯД

$$2. C = \frac{ЯД}{}$$

МС ёки ХС

СД

$$3. C = \frac{СД}{}$$

МС ёки ХС

МС-меҳнат сиғими; ХС-ходимлар сони.

5. Ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги бўйича куйидаги кўрсаткичлар аниқланади:

ЯМ

$$C = \frac{ЯМ}{ЭкМай} ;$$

ЭкМай

6. Фондлардан фойдаланиш самарадорлиги

ЯМ

$$ФК = \frac{ЯМ}{}$$

АФ

$$ФС = \frac{АФ}{}$$

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳар бир сўм харажатга ва қўлланилган ресурсларга кўпроқ маҳсулот ва фойда олиш демакдир. Бу эса бутун халқ хўжалиги учун ҳам, қишлоқ хўжалиги учун ҳам катта аҳамиятга эга:

1. Маҳсулот бирлигига меҳнат ва ресурслар қанча кам сарфланса, мавжуд ресурслардан кўпроқ маҳсулот олинади ва улар арзон бўлади.

2. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш катта иқтисодий самара беради. Агар республика бўйича меҳнат унумдорлиги 1% га оширилса, ҳисоб-китобларга қараганда бир йилда қўшимча 0,3 млрд. сўмлик ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти олинади. Шунингдек маҳсулот таннарини 1% га тушуриш ҳам тахминан 0,2 млрд. сўмлик ялпи фойда келтиради. Асосий ишлаб чиқариш фондларини самарадорлигини 1% га ошириш эса 0,6 млрд. сўмлик капитал қўйилмани камайтиради.

3. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлиги қишлоқ хўжалик хом ашёсидан тайёрланадиган озиқ-овқат ва кенг истеъмол буюмларига қўйиладиган баҳоларнинг даражаларига ҳам боғлиқ. Чунки харажат кам бўлса, эркин баҳолар ҳам бозорда пастроқ бўлади.

4. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш хўжаликларнинг даромадининг кўпайишга ва рентабелликнинг ошишига олиб келади. Қанча кўп сифатли ва арзон маҳсулот ишлаб чиқарилса ва сотилса, ишлаб чиқарувчиларнинг даромад кўпаяди, кўпроқ ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, меҳнат ҳақини оширишга ва маданий-маиший шароитларга маблағ ажратилади.

Самарқанд вилоятида агросервис хизматлари самарадорлигига таъсир этувчи омиллар таҳлили.

2.3.1-жадвал (млн. сўмда)

№	Кўрсаткичлар	2011-йил	2012-йил	Фарқи(+,-)	Ўзгариши(%)

152090 163313

Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланилди.

Жадвал маълумотларини таҳлил қилсак, маҳсулот сотишдан тушган тушум ўтган йилга нисбатан ҳисобот йилида 481400 млн сўмга ошган, бу Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ижобий кўрсаткичдир, буни фоизда ҳисобласак, маҳсулот сотишдан тушган тушум 2011-йилга нисбатан 2012-йилда 23% га ошган. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиши билан жами харажатлар ҳам ўтган йилга нисбатан ҳисобот йилида 369248 млн сўмга кўпайган, буни фоизда кўрадиган бўлсак 22 % га

кўп демакдир. 2012-йилга келиб Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги корхоналарининг соф фойдаси 483840 млн сўмга етган, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 112122 млн сўмга кўп яъни 30% га ошганлигини кўриш мумкин. Вилоят қишлоқ хўжалиги корхоналари ходимлари меҳнат унумдорлиги кўрсаткичини таҳлил қиладиган бўлсак 2011-йилда 1 ходимга 2.44 млн. сўмлик соф фойда қиймати тўғри келган. 2012-йилга келиб бу кўрсаткич 2.96 млн. сўмни ташкил ташкил этган, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2012-йилда 30% га ошган демакдир.

Бу кўрсаткичларни агросервис хизматлари самарадорлиги ошишига таъсирини таҳлил қилсак, фермер хўжаликлари ўтган йилга нисбатан 2012-йилда 369278 млн сўм кўп харажат қилиб, бунинг натижасида ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 112122 млн сўм кўп фойда олишган. Ўз навбатида 2012-йилда фермер хўжаликларига 391905 млн сўмлик агросервис хизматлари кўрсатилган, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 36295 млн сўмга кўп демакдир. Бундан кўринадики фермер хўжаликлари кўп маҳсулот ишлаб чиқаришлари учун агросервис хизматларидан тўлиқ ва унумли фойдаланишларига тўғри келади.

2.4. Агросервис субъектларида меҳнат ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари

Бугунги кунда республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатларнинг бош мақсади инсон манфаатларига қаратилган. Бу ҳақда президентимиз ҳам ўз маърузалари ва китобларида кўп бор таъкидлаб ўтганлар.

Шунга кўра, корхоналарда ҳам фаолият кўрсатаётган ходимлар саломатлигини, улар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш корхона раҳбариятининг диққат марказида бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофазаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш» қонунига биноан (5-модда) меҳнат муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан назорат қилинади.

Давлат структурасидаги барча бўлимлар бу билан шуғулланиб, бошқариб боришади.

Корхоналарда меҳнат қонунларининг бузилмаслигининг тармоқ назоратини вазир ва бирлашмалар бўйсунуш тартиби билан амалга оширади.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг барча соҳалари бўйича бажариладиган тадбирлар давлат бюджети, корхона, ташкилот, ҳомийлар ва бошқалар томонидан молиявий таъминланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш мажбурийлиги ҳам қонунда батафсил кўрсатиб ўтилган. Унга кўра корхоналар ходимларнинг техника хавфсизлигини таъминлашлари, шу мақсадда тегишли адабиётлар, плакатлар билан таъминлашлари, ходимлар ўртасида инструктажлар ўтказиб туришлари, шунингдек, зарурий ҳолларда ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаши лозимлиги келтирилган.

Корхонадаги ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатини муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабаларига мувофиқ бўлиши лозим.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарarli омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланади.

Меҳнат шароити зарarli ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта нохуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгиллаган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа махсус ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади.

Корхона маъмурияти томонидан меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши юқори идора органлари, махсус давлат инспекцияси (Гос энергоназор), прокуратура шунингдек касаба уюшма органлари ва уларнинг раҳбарлигидаги жамоатчилик назорат қилади.

Касаба уюшмаларнинг ишлаб чиқаришдаги қўмиталари ҳузуридаги меҳнат муҳофазаси буйича комиссия ташкил қилинади. Комиссия меҳнат қонунчилигига, хавфсизлик техникасига ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоида ва нормалларга риоя қилишни текширади ва меҳнат муҳофазасига оид булган қўриқларда иштирок этади.

Бу комиссия ишчиларга инструктаж бериш ва хавфсиз ишлаш усулларини ўргатиш сифатини, хатолар ва асбобларнинг тузуклигини, меҳнат муҳофазасига ажратилган маблағларни сарфланишини, бахтсиз ҳодисаларни тўғри ҳисобга олинишини назорат қилади, ишлаб чиқариш травматизли ва касбий касалликлар сабабларини ўрганади ва маъмуриятга таклифлар киритади, ишчиларнинг махсус коржома, махсус оёқ кийими индивидуал ҳимоя воситалари сут, совун, сифатли ичимлик, сув билан

вақтида таъминланишини назорат қилади. Комиссия истаган вақтида иш ўринларини текшириши мумкин.

Меҳнат муҳофазаси буйича жамоат инспектор хўжаликнинг ҳар қайси бўлинмасида бир йил муддатга сайланади. У меҳнат қонунчилигига риоя қилинишини, инструктажнинг ўз вақтида ўтказилишини назорат қилади, станоклар асбоб-ускуналар, химояловчи қурилмалар бузуқлигини аниқлаш, чиқиндиларни ўз вақтида йиғиштириб олиниши, утиш жойлари ва иш ўринларида тартибга риоя қилинишини назорат қилиб туриши зарур, шунингдек ишчилар махсус коржома, химояловчи воситалар, совун билан таъминланишини текшириб туриши зарур.

Корхоналарда касаба уюшмаси қошида меҳнат техникавий инспектори тайинланади. У меҳнат қонунчилиги буйича ишларни касаба уюшмасига қарашли корхоналарда назорат қилади. Бундан ташқари қурилган корхона ва хоналар унинг ижозати билан фойдаланишга топширилади. Ҳамда давлат назорати инспекциялари билан алоқада бўлади. "Йул ҳаракати қоидалари" га риоя қилишни Давлат автоинспекцияси назорат қилади.

Электр қурилмалар, электр тармоқлар, буғ қозонлари, электр станциялари, қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги кўтариш-тушириш техникалари ишлаши ва уларга хавфсиз хизмат кўрсатиш қоидалари риоя қилишни Давлат энергия назорати инспекцияси назорат қилади.

Давлат санитария назорати Республика Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ёнгин халқ хўжалигининг барча тармоқларида юз бериб, етказадиган зарари жиҳатидан табиий офатларга тенглашиши мумкин бўлган ҳодиса ҳисобланади. Улар катта моддий зарар келтириши билан бирга оғир бахтсиз ҳодисаларга захарланиш, куйиш ҳамда кишилар ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин. Айниқса қишлоқ хўжалигида ёнғинга қарши чора-тадбирлар жуда ҳам кучайтирилган, чунки қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотлар тез ёнувчан хусусиятига эга, бунга пахтани яққол мисол қилиб олиш мумкин.

Ёнғинга қарши кураш ишлари давлат миқёсида амалга оширилади. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, унинг ривожланиб, тарқалиб кетмаслиги чора-тадбирларини олдиндан кўриш, унга қарши самарали кураш олиб бориш ёнғинни ўчиришда қўлланиладиган бирламчи воситалардан тўғри фойдаланишга қаратилган.

Мураккаб оксидланиш жараёнида ёнувчи моддалардаги бир модданинг иккинчи моддага айланиши оқибатида катта миқдорда иссиқлик ва нурланиш ажралиши билан кечадиган ҳолатга *ёниш* деб тушунилади. Ёнғинга асосан уч омил: ёнувчи модда, ёндирувчи муҳит, қиздириш жараёни сабаб бўлади.

Корхонани лойихалашда, қуришда, технологик жараёни амалга оширишда эътиборга олинadиган ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари келажакда ёнғиннинг олдини олиш ва ундan огоҳлантиришда муҳим ҳисобланади.

Ёнғин хавфсизлиги қоида-талабларининг бузилиши, технологик жараённинг режимга тўғри келмаслиги, электротехник асбоб-ускуналарнинг носозлиги, улардан фойдаланиш қоидаcининг бузилиши агросервис корхоналарида ёнғин, портлаш бўлишига олиб келади.

Ёнғин содир бўлиши асосан техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, корхона ва цех маъмурияти томонидан камчиликларга йул қуйилиши билан боғлиқ. Агросервис корхоналарида мавжуд бўлган сабаблар, бериладиган ёки қуйиладиган компонентлар таркиби ва тезлигининг ўзгариши, аралаштирилмаслиги, ускунага бегона модда тушиб қолиши, хом ашё таркибининг ўзгариши, газ, буғларни йўқотиш усулининг бузилиши ва бошқа ҳолатлар аварияга, портлашга олиб келади.

Агросервис корхоналарида ёнғин, портлаш билан боғлиқ авария 20% ни ташкил этади. Корхоналарда ёнғинсиз портлаш содир бўлиши ноорганик моддалар иштирокида 15%ни, ёнувчи газлар билан 15% ни, карбонводородлар ва унинг бирикмалари иштирокида 32,5 %, бошқа моддалар иштирокида 7,5% ни ташкил этади. Шу жумладан портлаш ёнғин билан бўлиши ноорганик моддалар иштирокида — 5%, ёнувчи газлар билан — 5%,

ёнувчи суюқликлар билан —7,5%, карбон водородлар ва унинг бирикмалари иштирокида 12,5% ни ташкил этади. Ёнувчи суюқликлар буғларининг портлаши иккиламчи ёнғинга олиб келади.

Корхоналарда ёнғин, портлаш хавфлилиги қайта ишланадиган моддалар микдори, физик-кимёвий хоссалари ва хусусиятларига, ускуна ва жихозлар иш режимига, аланга маибаи борлиги ва ўтнинг тез тарқалашига боғлиқ.

Агросервис корхоналарида ёнғин хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

- 1) хавфли технологик усулларни хавфсиз турига алмаштириш;
- 2) ускуна-мосламаларни тўсиқланган ҳолатда жойлаштириш;
- 3) корхона биноларидаги қўлланадиган ёнувчи ва портлашга хавфли моддаларнинг микдорини камайтириш;
- 4) ускуна, газ қувурларида, хаво алмаштириш тизимида ёнувчи моддаларнинг портлашга хавфли концентратияси ҳосил бўлишига йўл қўймаслик;
- 5) ёнувчи аралашмаларга ингибиторлар, инерт моддалар қўшиш;
- 6) енгил алангаланадиган моддаларни сақлашда, улар билан ишлашда инерт муҳитини яратиш;
- 7) белгиланган хизмат кўрсатиш режимни аниқ бажариш, стандартларга амал қилиш;
- 8) хавфли жойларда ўт манбаининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик;
- 9) ёнғин ва портлашнинг тарқалишига йўл қўймаслик;
- 10) қуриқ, синов, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишларини ўз вақтида олиб бориш, касб эгалари, мутахассисларни талабга мувофиқ танлаш.

Технологик жараён ва унга боғлиқ, ишларнинг ёнғин хавфлилиги аввалдан баҳолашиб, сўнгра хавфни бартараф этиш учун муҳим аниқ, тадбирлар ишлаб чиқилади.

Қишлоқ хўжалиги бино ва иншоотларида ёнғинни ўчириш учун сув, сув буғи, кўпик, инерт газлар, кукунлар, сиқилган хаво ва қаттиқ моддалар кенг қўлланилади. Ўт ўчириш моддалари электр ўтқазиш ва электр

ўтказмаслик хоссаларига эга бўлади. Шунингдек, зарарли кам захарли ва захарсиз турларига бўлинади. Шунинг учун ишлаб чиқариш объектлари ва майдонларини ёнғин ўчириш моддалари билан таъминлашда ва ёнғинни ўчиришда бирор услубни қабул қилганда уларни ҳисобга олиш керак.

3–боб. Самарканд вилояти Агросаноат мажмуасида агросервис самарадорлигини ошириш йуналишлари.

3.1 Вилоятда агросервис самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари.

Республикамиз аграр соҳасини ривожлантириш иқтисодиётнинг муҳим омилларидан биридир. Чунки, шу соҳани ривожланиши агросервисни ривожланишига таъсир қилади. Ушбу соҳа қишлоқда жуда катта маблағ талаб қилмаслиги, ҳамда арзон ишчи кучига эга эканлиги сабабли ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервисга бўлган эҳтиёжнинг юқорилиги билан характерланади.

Қишлоқ хўжалигида агросервис хизматини йўлга қўйишда Республикамизда ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишнинг янги шакллари ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Буларнинг ҳозирги пайтда энг асосий шакли фермер хўжаликлари ҳисобланиб, уларнинг сони 2009 йил якунларига кўра 11 мингдан ортиқ бўлгани ҳолда, уларда 1,5 млн. киши фаолият юритмоқда. Шунингдек, 2009 йилда қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг қарийиб 85 % и фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келгани ҳолда мамлкатимизда тайёрланган ялпи ҳосилининг 96 % и, ғалланинг 82 % и шу хўжалиklar томонидан етиштирилмоқда. Шундай экан,

фермер хўжаликлари ўз моҳиятига кўра қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг асосий шаклига, соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришни таъминлайдиган етакчи кучга айланаётганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Мамлакатда ер ресурсларни чекланганлигини ҳисобга олганда, аҳолини жон бошига ҳайдаладиган ер майдонларининг қисқариши келгусида ҳам барқарор тенденсияга эга бўлади ва чекланган ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш буйича стратегик чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг ўзида суғориладиган ерларда деҳқончилик учун сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада оширишни талаб қилади. Суғориш мақсадларида хаддан ортиқ сув сарфининг асосий сабабларидан бири – магистрал каналлар, ички хўжалик тармоқлари ва бевосита далаларни суғоришда катта миқдордаги филтрацион юқотишлар ҳисобланади. Каналлар узунлигининг фақат 35 фоизида филтрацияга қарши қоплама мавжуд. Хўжаликлараро ва магистрал 15 минг км.дан ортиқ каналларни (барча каналларнинг 60 фоизи) қайта таъмирлаш талаб этилади.

Ҳар йил амалга ошириладиган коллектор-дренаж тизимларини тозалаш ишлари барча эҳтиёжларнинг 60-65 фоизини ташкил қилади. Кўпчилик минтақаларда бюджетдан ёпиқ дренаж тизимларини тозалаш учун молиявий ресурсларни ажратилиши етарли эмас.

Бундан ташқари, сувни тежаш технологияларидан фойдаланиш даражасининг пастлиги суғориш учун олинадиган сув миқдорининг 10-15 фоизга ошишига олиб келади.

Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш бўйича агросервис хизматини ташкил этишдаги муҳим жараён бу СФУ (сувдан фойдаланувчилар уюшмаси)ни шакллантирилганлигидир. Сув истеъмолининг юқорилигини белгилаб берувчи бошқа яна бир омил-ер ости сувларининг юқорига кутарилиши, суғориш учун дренаж сувларидан фойдаланиш ва бошқа

омиллар туфайли ерларнинг иккиламчи шўрланиши ҳисобланади. Бунинг натижасида шўрланган ерларнинг шўрини ювиш учун катта миқдорда сув сарфи талаб этилади, бу далаларда фойдаланилган сувларнинг 20 фоизидан ортиғини ташкил этади.

Суғориш учун ноишлаб чиқариш юқотишларни яна бири – бу энергия истеъмоли харажатларининг юқорилигидир. Суғориш учун мўлжалланган сувнинг катта қисми кўп ҳолларда қайта таъмирлаш ва модернизациялашга эҳтиёж сезаётган электр насос қурилмалари ёрдамида олинади. Эскирган асбоб-ускуналар, электр энергиясини замонавий ускуналарга нисбатан 20-25 фоиз кўпроқ истеъмол килади. Бундан ташқари, энергия таъминоти ва сув етказишнинг барқарор эмаслиги, магистрал каналларда сув даражасининг пасайиши натижасида насосларнинг фойдали иш коэффициенти жуда паст бўлиб келмоқда.

Сувдан самарасиз фойдаланиш натижасидаги юқотишларни баҳолаш суғориш учун мўлжалланган сув нархининг тўғри ҳисоб-китоблари бўлмаганлиги сабабли анча қийинлашган, Бирок Жаҳон банки маълумотларига кўра, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун ресурслар базасининг юқотилиши мамлакатга йилига тахминан 1 млрд. АКШ доллари миқдорида зарар келтирмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб бугунги кунда фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларга агросервис хизматларини йўлга қўйишнинг устувор вазифалари қуйидагилар ҳисобланади.

Фермерларга ер ажратишнинг ошқора, амалдаги қонунлар талаблар асосида адолатли амалга ошириш ҳамда тендер ҳайъати аъзолигига етук тажрибали билимдон маънавиятли ҳалол раҳбар, етук мутахассисларни жалб этиш;

Фермерларга ўзоқ муддатга фойдаланиш учун ажратилаётган ер сифатини яхшилаш унумдорлигини кўтаришга қаратилган тадбирларни ўз вақтида сифатли амалга ошириш учун зарур бюджет маблағлари ажратиш;

Фермер хўжаликларга ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ фаолиятига чет эл инвествитсияларини жалб этиш масаларига кўмаклашиш;

Фермерларга қишлоқ хўжалик ерларининг сифатини ошириш бўйича балл банитетларини кўтаришни амалга оширилаётган ишларини давлат томонидан рағбатлантиришни йўлга қўйиш ҳамда айниқса, ерларни сафатли ҳайдашда МТПП хизматларини амалга ошириш;

Ўзларининг ерлардан фойдаланиш натижаларига қараб солиқ ва тўловлар ҳажмини, тартибини ва ставкаларини кўриб чиқиш;

Фермерларга қишлоқ хўжалиги ерларини сифатини ошириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлари учун банклардан олинадиган кредитларни белгилашда имтиёзлар бериш, шунингдек ҳудудлар бўйича минибанклар хизматини кенгайтириш;

Етиштирилаётган ва сотилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун фермер хўжаликларига аванс ажратиш ва ҳисоб-китоб килиш тизимини такомиллаштириш. Давлат буюртмаси бўйича етиштирилган маҳсулот учун махсус ташкил килинган Фонддан тўғридан-тўғри аванс ажратиш тизими, бозор шароитларида боскичма – боскич банк кредитлари ҳисобига аванс бериш юли билан алмаштирилди. қишлоқ жойларида янги ташкил килинган ўзларига имтиёзли микрокредитлар ажратишни кенгайтириш;

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, биринчи навбатда чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича фермерлар томонидан турли кооперацияларни шакллантириш. Фермер хўжаликлари, қайта ишлаш корхоналари ва уларни қайта ишлашга ихтисослашган агрофирмаларни яратиш ва уларда маҳсулотлар реализация хизматларини йўлга қўйиш;

Фермерлик кооператсиясини янада ривожлантириш учун, энг аввало ўтмишдаги муваффақиятсиз тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда кооперациянинг янги хизматларини ташкил этишни шакллантириш;

Фермер хўжаликлари учун сувдан фойдаланувчилар уюшмаси хизматидан фойдаланишни кенгайтириш;

Фермерларга ерларнинг унумдорлигини ошириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга устуворлик белгилаш ва бошқалардан иборат.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигида ердан самарали фойдаланиш муҳим вазифа эканлигини ҳисобга олган ҳолда агросервис хизматларини тўғри йўлга қўйиш ҳисобланади. Демак, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда агросервис хизматини йўлга қўйишнинг зарурияти қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, қишлоқ хўжалигида агросервис хизматини йўлга қўйиш учун зарурий молия маблағларини кўпайтириш;

Иккинчидан, аграр соҳада агросервис хизматининг ҳуқуқий асосларини таъминлайдиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларини такомиллаштириш;

Учунчидан, агросервис хизматларини қишлоқ хўжалигининг оғир мураккаб ва кўп қўл меҳнати талаб қиладиган жараёнларида қўллашни рағбатлантириш;

Тўртинчидан, Республикамизда агросервис хизматларини ташкил этишда ривожланган давлатларни бу соҳадаги тажрибаларидан кенг фойдаланиш.

Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори (2006 йил 17 апрел) талабларидан келиб чиқиб 2006-2010 йилларда мамлакатимизда агросервисда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўллари қуйидагилардан ҳисобланади:

1. Хизматлар ва сервис соҳасида банд бўлган аҳолининг сонини 2010 йилга бориб 1,6 мартага кўпайтиришни инобат олиб қишлоқда бу соҳада ишловчиларни кўпайтириш.

2. Қишлоқ жойларда хизмат ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, хусусан, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, коммунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва машина трактор парклари соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш.

3.Қишлоқда анъанавий хизматлар турларини ривожлантириш ҳамда айрим бугунги кун талабига жавоб берадиган, аммо унутилиб кетилган аграр соҳадаги хизмат турларини излаб топиш ва уларни тиклаш.

4.Фермер хўжаликларига агросервис хизматларининг консалтинг, юридик, банк, молия, суғурта лизинг ва бошқаларни жадал ривишда ривожлантириш.

5.Қишлоқда хизматлар экспортини кўпайтириш учун ушбу соҳа корхонларининг халқаро бозордаги хизматлар даражаси ва сифатини оширишга эришиш.

6.Қишлоқда агробизнесни ривожлантирадиган хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган малакали кадрларни тайёрлашни ва малакасини оширишни кўпайтиришга эришиш.

Демак, юқорида таъкидлаганимиздек, мазкур қарор асосида аграр соҳа билан шуғулланадиган агросервис хизматларини ташкил этаётган тадбиркорлик субъектларига кўпроқ имтиёзли кредитлар ажратиш ва шу асосида аҳолининг бандлиги даражасини оширишдек муҳим вазифаларни бажариб қишлоқ аҳолиси учун жуда катта имкониятлар яратиб берганлигидан далолат беради.

3.2 Агросаноат мажмуасида агросервис самарадорлигини оширувчи

иктисодий

муносабатларни такомиллаштириш.

Республикамизда ўтказилаётган ислохотлар натижасида хилма-хил мулк шаклларига асосланган иқтисодий тизим вужудга келмоқда. Хусусий мулкнинг конституциявий даражада тан олиниши мулкдорлар синфи вужудга келишига замин яратди. Табиийки, бундай шароитда фаолият юритиш шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар даражасида олиб борилиши шарт. Демак, кейинги йилларда шартномавий муносабатларни ривожлантириш ва уларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

1997 йилнинг 1 мартидан амалда қўлланилиб келинаётган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида шартнома интизомини тартибга солувчи барча қоидалар акс этди. Шартнома муносабатларини тартибга солувчи меъёрлар бозор иқтисодиёти ва ҳуқуқий давлат принципи асосида белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши эса Фуқаролик кодекси қоидаларини аниқ ва соддалаштирилган ҳолда қўллаш учун шароит яратди.

Ҳеч бир тадбиркорлик субъекти шартнома тузмай туриб, тижорий фаолият билан шуғуллана олмайди. Зеро, шартнома фуқаролик муносабатларини тартибга солувчи шундай бир ҳужжатки, унда тадбиркорнинг фойда олиш дастурлари, режалари, интилишлари, қизиқиш ва манфаатлари ўз ифодасини топади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектлари ўртасидаги ҳар бир муносабат натижаси, кўзланган тижорий тадбир якуни кўп ҳолларда шартноманинг қандай тузилгани ёки расмийлаштирилганига боғлиқ.

Бу – табиий ҳол. Шартномада томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жавобгарлиги, етказиб бериладиган маҳсулотларнинг нархи, муддатлари, ҳисоб-китоб қилиш тартиблари ва бошқа ҳолатлар назарда тутилади.

Шартнома фақат ўзининг ҳисоб рақамига пул маблағларини кирим қилиб олиш учун тузилган ҳужжат эмас, балки томонларнинг ўзаро келишуви, иккала томоннинг биргаликда содир этган саъй-ҳаракатлари натижасида фойда кўриш учун бўлган розилигини ифода этувчи ҳужжатдир. Агар томонлар ўртасида ўзаро розилик бўлмаса, шартнома ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар, улар хоҳ юридик, хоҳ юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахс бўлсин, шартнома тузишда эркиндирлар. Шундай экан, тадбиркорлик субъектлари ўзаро тузилаётган хўжалик шартномаларидаги ҳар қандай шартларни қонун доирасида мустақил белгилашлари мумкин.

Агросаноат мажмуасида иқтисодий муносабатларга қуйидагилар киради:

- 1) Фермер хўжаликлари ва агросервис субъектлари ўртасидаги шартнома муносабатлари (шартномалар сони, қиймати).
- 2) Фермер хўжаликларига кўрсатилган агросервис хизматларининг даражаси (шартноманинг бажарилиш даражаси)
- 3) Кўрсатилган агросервис хизматлари учун зарурий техника ва техник жиҳозларнинг етарлилик даражаси.
- 4) Фермер хўжаликларига кўрсатилган хизматлар учун агросервис субъектларига тўланган хизмат ҳаққи. (хизмат қақларини ўз вақтида ва тўлиқ тўлашлари)

Тумандаги мукобил МТПларда кишлок хужалиги техникаларидан самарали фойдаланиш даражаси, ҳисоб-китоб ишлари ва шартнома муносабатларининг такомиллаштириш бўйича тавсиялар.

1. Мукобил МТПда кишлок хужалиги техникаларидан фойдаланиш даражаси (битта техника билан бажарилган иш қиймати).

2. Мукобил МТПда фермер хужаликларига кўрсатилган хизматлар бўйича тузилган хизмат баҳоларини, ишлаб чиқилган бизнес режаси ва штатлар жадвалини ўрганиш.

3. Мукобил МТПда харажатлар мониторингининг юритилиши аҳволи.

4. Муқобил МТПда дебитор ва кредиторлик қарздорлиги аҳволи.

5. Муқобил МТПдаги ишловчилар сони, уларга бериган иш ҳақи ва иш ҳақидан қарздорлик.

6. Муқобил МТПда ҳисоботларнинг топширилиш аҳволи, бухгалтерия дафтарларининг юритилиши.

7. Муқобил МТПдаги асосий воситалар ва инвентарларнинг ҳаракатини ўрганиш.

8. Республика Президентининг ПК-215-сонли ва ПК-255-сонли қарорларига асосан тугатилган ширкат хўжаликларида якуний баённомаларга асосан муқобил МТПларга ўтказилган сотилмаган мол-мулкларнинг сотилиши, дебитор қарзларнинг ва сотишдан тушмаган маблағларнинг бухгалтерия дафтарларида қайд этилганлиги ва ҳаракати. Комиссия томонидан ҳужжатларнинг давлат архивига топширилиши.

9. Тумандаги муқобил МТПларда тугатиш комиссияси ҳисоб рақамидан ўтказилган ва ММТП ихтиёрига сотиш учун ўтказилган асосий воситаларни сотишдан тушган ҳамда техника хизмати учун фермер хўжаликлари томонидан тулаб берилган маблағларнинг ишлатилишини ўрганиш.

10. Муқобил МТПда фермер хўжаликлари билан шартномалар тузилиши, рўйхатдан ўтказилганлиги ва ўтган 12 ойда кўрсатилган хизмат, фермер хўжаликларига инкассо талабномалари қўйилиши ҳамда тўланиши

11. Муқобил МТП ҳудудидаги бозор ишлаб чиқариш инфратузилмалари ишларини ўрганиш (минерал ўғит, ЁММ, МТП ДАЖ, Ўсимликларни ҳимоя қилиш, Агрофирма, тара идиш яшаш цехи, Зооветеринария хизматлари, Мини банклар ва транспорт хизмат кўрсатиш шахобчалари билан тузилган шарномалар сони, суммаси, бўлимдан рўйхатдан ўтказилиши).

Сувдан фойдаланиш бўйича ”Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилганлиги муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 2009-йил 24-

ноябрда қабул қилинган. Ушбу Қонуннинг мақсади сувга доир муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжлари учун сувлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, сувларни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлаш, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилашдан, шунингдек сувга доир муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг асосий йуналишлари технологик жиҳатларининг такомиллаштиришини ташкил этиш керак. Бунда нафақат, оқава сувларни сув ҳавзаларига ташлашни камайтириш, балки тоза сувдан фойдаланишни ҳам камайтириш керак. Ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларида сув айланишининг бир неча бор такрорланиши бу сув ресурсларига инсон таъсирини камайтиришнинг асосий йуналишидир. Тўғри, бунда сувнинг орқага қайтмас харажати ортади, лекин сув ҳавзаларидан чучук сув олиш камаяди, асосийси, оқава сувларини сув ҳавзаларига оқизиш тўхтатилади.

Асосий сув истеъмолининг 70 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳасига тўғри келади. Бундан келиб чиқадики, сувни тежаш фаолиятини амалга оширишда қишлоқ хўжалигида жуда катта имкониятлар бор. Сув ресурслар ва ер майдонлари дефицити шароитида асосий ресурслар бўлган ер ва сувдан оқилона фойдаланиш лозим. Украинада сувни тежайдиган технологиялар ёрдамида суғориш тизимининг фойдали иш коэффициенти 0,55 дан 0,86 кўтаришга эришилган. Сувдан фойдаланиш коэффициенти томчилатиб суғоришда 90-95 фоиз, ёмғирлатиб суғоришда 70 фоиз, ер юзидан суғоришда 50-60 фоизни ташкил этади. Сувдан фойдаланишдаги энг муҳим бўғин – бу авваламбор сув етказиб берувчи билан (сув хўжалиги тизими) сувни

истеъмол этувчилар (хўжаликлар) ўртасидаги муносабатларни ўзгартириш лозим бўлади.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда қуйидаги таклифлар тавсия қилиш мақсадга мувофиқдир:

- 1.СФУ ларнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш мақсадида “СФУлар тўғрисида”ги қонун қабул қилиш;
- 2.1 м³ сув эвазига олинаётган ҳосил ҳажмини кўпайтириш ва аҳоли эҳтиёжларини тўлақонли таъминлашни ошириш;
- 3.СФУ лар ва таъсисчилар ўртасидаги шартномаларнинг ҳуқуқий жавобгарлигини мустаҳкамлаш;
- 4.СФУ ларнинг бадаллик тўловларини бозор принциплари асосида жорий қилиш, яъни сувнинг қатъий баҳосини белгилаш;
- 5.СФУ ларни сувни бир хил тақсимлашлари учун барча истеъмолчиларни сув ўлчагичлар билан таъминлашни йўлга қўйиш;
- 6.СФУ га аъзо бўлмаган истеъмолчиларни талабини қондириш механизминини ишлаб чиқиш;
- 7.Сув тақчиллиги шароитида “Ўзсувназорат” бошқармасининг фаолиятини кучайтириш, ҳамда беҳуда сарфланган ҳар 1 м³ сув учун жарима тўловларини қатъий белгилаш;
- 8.Суғоришнинг замонавий, янги технологияларини амалиётга жорий этиш эвазига сув ресурсларидан самарали фойдаланишга уларни тежаш ва муҳофаза қилиш;
- 9.СФУ ларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш;
- 10.СФУ ларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида лизинглар беришни йўлга қўйиш;
- 11.Сув ресурсларини тежаб тергаб фойдаланишда соҳага инвестиция ва қўшма лойиҳаларни жорий қилиш;
- 12.Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва унинг назоратини кучайтириш;

13.Мелиоратив тармоқларда, гидро-техника иншоотларда сув сарфини ўлчаш ва уни ҳисобга олиб боришнинг замонавий компьютерлаштирилган кооператив тармоқларини яратиш;

14.Сувдан фойдаланишнинг янги муносабатлари ва усуллари бўйича кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини оширишни йўлга қўйиш;

15.Қишлоқ хўжалик ерларни суғоришда илғор технологияларни қўллаш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиш лозим.

Шартномавий муносабатларда иқтисодий ислохотларнинг изчил олиб борилишини таъминлаш юзасидан республикамизда бир қатор иқтисодий институтлар фаолият кўрсатмоқда.

Хусусан, хўжалик шартномаларини тузишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва уларнинг бажарилишини ўз ваколати доирасида назорат қилиш Адлия вазирлигига юклатилганлигидан келиб чиққан ҳолда, вазирлик ходимлари ҳуқуқий ёрдам тариқасида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда фермер хўжаликлари билан контрактация шартномаларини тузиш жараёнида бевосита иштирок этиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йили 12 та шартноманинг намунавий лойиҳалари тайёрланиб, амалиётда қўллаш учун кенг оммага етказилди.

Шунингдек, адлия идоралари ходимлари 2008 йил ҳосили учун пахта хом ашёси етказиб бериш юзасидан 92.435 та ва ғалла маҳсулотларини етказиб бериш бўйича 100.401 та контрактация шартномаларини тузиш жараёнида бевосита иштирок этиб, томонларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатдилар.

Худди шунингдек, 2009 йил ҳосили учун бошоқли дон етказиб бериш бўйича 51.824 та контрактация шартномаларини тузиш жараёнида ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан нафақат шартномаларнинг қонуний тузилиши, балки уларнинг тўғри ижро қилинишини ҳам қаттиқ назоратга олиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса 2009 — "Қишлоқ тараққиёти ва

фаровонлиги йили"да қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни изчил чуқурлаштириб бориш, қишлоқда шаклланаётган янги мулкый муносабатлар, ўрта синф — мулкдорлар, тадбиркорлар, ишбилармонлар манфаатининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайди.

ХУЛОСА ва таклифлар

Республикамизда агросервис хизматларини ташкил этиш муҳим долзарб вазифа сифатида белгилаб қўйилган. Келгусида хизмат ва сервис соҳасининг ички ҳудудий маҳсулотдаги ҳиссаси 2010 йилда 49,0 % га (ҳозирги кунда 44,9 % ни ташкил қилади) етказиш кўзда титулмоқда. Бунинг асосий қисми агросервис хизмати бўлиб қолади ва бугунги кунда қишлоқ хўжалигида бу кўрсаткич 26,5 % ни ташкил этиди.

Самарқанд вилоятида агросервисни самарадорлигини ошириш буйича қуйидаги таклифлар берилди:

1. Вилоятда, айниқса қишлоқ жойларда хизмат ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, хусусан, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, коммунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва кўриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш ҳамда машина трактор парклари соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш;

2. Вилоятда, энг қишлоқ жойларда анъанавий хизматлар турларини ривожлантириш, шу билан бирга айрим бугунги кун талабига жавоб берадиган, аммо қишлоқда унитилиб кетилган хизмат турларини излаб топиш ва уларни тиклаш;.

3. Бошқа хизмат турлари билан бирга хизматларининг янги истиқболли турларини, хусусан фермер хўжаликларига юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва бошқаларини жадал равишда ривожлантириш;

4. Агросервис соҳасида яна бир муҳим вазифалардан бири, аграр соҳада хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб – қувватлашни амалга оширишдир. Буни амалга оширишда ўқув юртлари, маҳаллий ҳокимиятлар ва соҳа ходимлари ҳамжиҳатлигини таъминлаш;

5. Қишлоқда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳозирги шароитда асосан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси билан боғлиқ

бўлиб қолмоқда. Шу жиҳатдан кўриниб турибдики агросервис соҳасини ривожлантириш аҳолининг даромадларини кўпайтириш, турмуш даражасини ошириш;

6.Агросервис соҳасини ривожлантириш бандлик муаммосини, айниқса, хотин-қизлар, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, оилаларнинг даромадини сезиларли даражада кўпайтириш, бутун мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигини ошириш имконияти яратилади, бу биринчидан қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш орқали оилаларнинг аниқ даромадларини кўпайтириш,

7.Қишлоқ жойларида мамлакатимиз бозорини хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш орқали аҳолининг турмуш даражасини ошишига сабаб бўлади.Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб қишлоқда сервис хизматини шу жумладан агросервис соҳасини ривожлантириш қишлоқ аҳолисини даромадини кўпайтиришни ва қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини оширишни муҳим омилларидан бири сифатида узлуксиз ривожлантириш талаб этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- 1) Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси. Т.: “Ўзбекистон” 2003 й.
- 2) Каримов И.А. «Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш барча ислоҳат ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир». 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2007 йил 8 феврал. Зарафшон газетаси, 2008 йил 12 феврал.

- 3) Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» -Т.: Ўзбекистон 1995 й. 24-бет.
- 4) Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири) Тошкент 2004 й.
- 5) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2006 йил 17 апрел
Халқ сўзи 2006 йил 18 апрел.
- 6) «2006 йилда республика ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори, 2007 йил 12 феврал. Халқ сўзи 2007 йил 15 феврал.
- 7) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг “Ўзбекистон Республикасини 2008 йилнинг 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари тўғрисида”ги қарори.
- 8) Абдуғаниев А.А. ва бошқалар. Давлатнинг аграр сиёсати. Тошкент, “Академия” 2006 й
- 9) Жўраев А. «Қишлоқ ва ижтимоий ҳаёт» . Т.1992 йил
- 10)Иватов И.” Развитие дехконского рынка в Узбекистане”. – Т.: Фан, 1994 г
- 11)О.Зокиров, А. Пардаев «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» Тошкент-2003 йил.
- 12)Салимов Б ва бошқалар. «Жаҳон қишлоқ хўжалиги». «Ўзбекистан ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси нашриёти», Тошкент 2004 йил
- 13)Султонов О. ва бошқалар «Суғориладиган ерлар сув хўжалиги экономикаси» Тошкент. Мехнат. 1989 йил
- 14)Cramer, Gail L. Agricultural economics and agribusintss / Gail L. Cramtr, Clarence W. Jenstn? Djuglas D.Sjuthgate, Jr. - 8th ed/ Printed in United States of America, 2001 - 519p

- 15) Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришда сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг ўрни. Т., “Талқин” нашриёти 2006 й.
- 16) Қудратов Ғ.Ҳ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев М.Қ. Агросервисни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Тошкент “Фан ва технологиялар” 2007 йил.
- 17) Қудратов Ғ.Ҳ., Мирзаев Қ.Ж. Агросервисни ривожлантириш – давр талаби. Самарқанд, СамИСИ. 2007 йил.
- 18) Ҳакимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. – (Ўқув қўлланма) Т., ТДИУ, 2004.-160 б
- 19) Ҳамдамов К.С. «Бозор иқтисодиёти ва қишлоқ хўжалиги», Тошкент. Меҳнат. 1993 йил.
- 20) Юсупов М. «Қишлоқ хўжалигини молиявий соғломлаштириш усуллари», «Бозор, пул ва кредит», июль 1998

Интернет сайдлари

- 1) Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>
 - 2) Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, <http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm>
 - 3) Н.А. Попов «Основы рыночной агроэкономики и сельского предпринимательства», М: Тандем /ЭКМОС, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.html>
 - 4) Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, <http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1>
 - 5) Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: «ЮРКНИГА», 2004, <http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899>
- www.bearingpoint.uz